ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 28-fevral, shanba • № 09(4110)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

2015 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш эзгу, бир сўз билан айтганда, табиий анъанага айланиб қолди.

Ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшаши, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, кексаларга эъзоз ва эҳтиром, кичикларга иззат кўрсатиш, одамийлик, яхши қўшничилик, хайр-саховат, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш борасида Наврўзнинг моҳияти ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки рухда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

айни Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва тотувлик, меҳру саховат, ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналари, халқ ўйинларига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган тарихий урф-одатларга, гўзал инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 февраль

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аҳолининг миллий сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳудудий семинарлар ташкил қилинмоқда.

Шундай семинарлардан бири 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда 14-Тошкент округ сайлов комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сайлов – 2015

САЙЛОВ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Тадбирда сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, мамлакат тараққиётига фаол таъсир этадиган восита экани таъкидланди. Зеро, демократик принциплар асосида ташкил қилинган ва ўтказилган сайловлар фуқароларнинг давлат органларини тузишда иштирокини таъминлайди. Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг орзу-интилишлари, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сайлов жараёни Конституция ва қонунларнинг умумий ҳамда сайлов жараёнларига бевосита тааллуқли бўлган принцип ва нормаларига таянади. Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлаш, сайлов қонунчилигини халқаро андозалар асосида босқичма-босқич такомиллаштириш ҳамда сайловларни умумэътироф этилган принциплар асосида ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принциплари асосида сайловда иштирок этади. Мазкур принципларни татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида эътироф этилган.

Маълумки, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш муҳим омиллардан саналади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Семинарда халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг вазифалари, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, овоз бериш, жумладан, муддатидан олдин овоз бериш жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказишга оид маърузалар тингланди.

Семинар очиқ мулоқот, саволжавоблар шаклида ўтди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Репортаж

ППХ БАТАЛЬОНИ ЯНГИ БИНОДА

Патруль-пост хизмати ходимлари ички ишлар идораларининг доимо аҳоли орасида, халқ ичида бўладиган вакиллари сирасига киради. Улар сутканинг исталган пайтида, ҳар қандай об-ҳаво шароитида сизу бизнинг тинчлик-осойишталигимизни таъминлашади, жамоат тартибини сақлашади.

Жиноят содир этилганида, воқеа жойига айнан ППХ наряди биринчилардан бўлиб етиб келади. Ушбу соҳа вакиллари одатдаги иш кунлари ҳам, дам олиш ва байрам кунлари ҳам ҳамиша, ҳар дақиқада ёрдамга шай. Шу боис аксар жиноятлар улар кўмагида «иссиқ изида» фош этилмоқда. Шахсий таркибнинг самарали фаолият кўрсатиши учун эса хизмат шароитлари яхши, ҳар томонлама қулай бўлиши лозим.

... Шу куни тонгда ҳавонинг авзойи бузуқлигига қарамай Андижон вилояти ИИБ ППХ батальони ходимлари кўтаринки кайфиятда эдилар. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки саноқли дақиқалардан сўнг анчадан буён кутилаётган тантанали тадбир бошланади. Саф тортиб турган осойишталик посбонларининг юзу кўзида қувонч акс этарди.

(Давоми 3-бетда).

ТАЙИНЛАНДИ

Подполковник Аброржон Анварович ОТАЖОНОВ – Республика ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари – жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳаси раҳбари лавозимига.

Тадбирлар

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Республика ИИВ Маданият саройида вазирлик марказий аппарати ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев олиб борди.

Йиғилишда фуқаролар томонидан ноқонуний равишда ов қуролларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур йўналишда тезкор чоралар кўрилиб, муайян тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Хусусан, аҳоли ўртасида ўтказилаётган профилактик ишлар – кенг қамровли тушунтириш-тарғибот тадбирлари, айниқса, яхши натижа бераётгани таъкидланди. Чунки ов қуролларини уйида сақлаётган ёки топиб олган фуқароларнинг ўз ихтиёри билан тегишли идораларга топшириши уларга нисбатан жазо чоралари кўрилмаслигига сабаб бўлади. Бу эса жойларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш баробарида, рўй бериши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Йиғилишда профилактик тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, уларнинг мунтазамлилигини таъминлаш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Ўз мухбиримиз.

СЕМИНАР САМАРАЛИ ЎТДИ

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» республика бирлашмасида амалий ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда қўриқлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев қатнашди.

Икки кун давом этган ўқув-семинар кун тартибидан қатор муҳим масалалар ўрин олди. Жумладан, шахсий таркибнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, бу борада жойлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, шахсий таркибни тарбиялаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш масалалари чуқур муҳокама қилинди. Айни шу масалаларга доир янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Мазкур ҳужжатларнинг қўриқлаш тизимида тўлақонли ва самарали ижро этилишига эришиш лозимлиги қайд этилди.

Семинарнинг иккинчи куни ҳам қўриқлаш бошқарма-бўлимлари фаолиятига дахлдор бўлган долзарб масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Ишчанлик руҳида ўтган тадбир давомида иштирокчилар томонидан тегишли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнгида семинар қатнашчилари ИИВ тарихи музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамда пойтахтимизнинг бошқа диққатга сазовор жойларида бўлдилар.

О. КАМОЛОВ.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ўзига хос тараққиёт модели асосида изчил ислоҳотлар олиб борилди. Бунинг натижасида барча жабҳаларда, айниқса, иқтисодий соҳада улкан ютуқларга эришилди. Энг асосийси, республикамизда йилдан йилга иқтисодий юксалиш кўзга ташланмоқда. Бу, албатта, биринчи навбатда саноат корхоналари бошқарувида иқтисодий хавфсизликни самарали таъминлашни тақозо этади.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўтказилган республика илмий-амалий семинари ана шу мавзуга бағишланди. «Саноат корхоналари ва ташкилотлари бошқарувида иқтисодий хавфсизликни ташкил этиш ҳамда таъминлаш муаммолари» мавзусидаги мазкур семинарда республикамиздаги турли нуфузли олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ИИВ соҳавий хизматлари ходимлари ва билим юрти курсантлари иштирок этди.

Тадбирни билим юрти бошлиғи, полковник Х. Маматов очиб, семинар мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида саноат корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларини ўрганиш мақсадида ўтказилаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг Давлат статистика қўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг кафедра мудири, академик С. Ғуломов «Интеллектуал капитал ва инновациялар – корхона рақобатбардошлиги ва хавфсизлиги асоси», Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Б. Беркиновнинг «Иқтисодий хавфсизлик концепцияси ва унинг индикаторлар тизими», ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ўқитувчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор С. Қосимовнинг «Саноат корхоналарида автоматлаштирилган иқтисодий хавфсизлик тизимининг назарий ва амалий асослари» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Семинар ўз ишини кунинг иккинчи ярмида шўъбаларга бўлинган ҳолда давом эттирди.

Камол ОЛЛОЁРОВ.

Анжуман

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республика ИИВ Академиясида «Ярашилганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш чоралари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура Олий ўқув курслари, Адвокатлар палатасидан мутахассислар, ИИВ Тергов бош бошқармаси ходимлари, Тошкент давлат юридик университети ҳамда ИИВ олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманни ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-майор Ш. Икрамов очиб, мазкур тадбир ўтказилишидан мақсад, ярашув институтининг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди. Шундан кейин маърузачилар сўзга чиқиб, айни пайтда мамлакатимизда амалда бўлган ярашув институтини қўллаш давомида юзага келаётган муаммолар, уларни аниқлаш ва ўрганиш жараёни, бу борадаги хориж тажрибаси юзасидан маълумотлар келтиришди.

Таъкидлаш жоизки, ярашув институтининг 2001 йилдан бошлаб мамлакатимиз қонунчилигига киритилиши суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим босқичи сифатида баҳоланди. Гап шундаки, бу тизим қонунчилигимизда янги институт бўлса-да, у миллий қадриятларимиздан бири сифатида асрлар давомида яшаб келган. Кечиримлилик, бағрикенглик, гиналарни унутиш, андиша каби хислатлар ана шу институтнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган. Унинг миллий менталитетимизга, халқимиз табиатига мос келгани учун томонларнинг ўзаро ихтиёрий келишишини назарда тутувчи ушбу самарали тизим тез оммалашди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда: «Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди».

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили ярашув институтининг самарали қўлланиши натижасида мамлакатимизда 12 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Айни пайтда жаҳоннинг қирқдан зиёд мамлакати қонунчилигида ушбу институт жорий қилинган бўлиб, йилдан йилга уни қўллаш доираси кенгайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Етказилган зарар қопланиб, томонлар ўзаро ярашганлиги муносабати билан бир шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади, суд, тергов идораларига чақирувлар камаяди, қанчадан-қанча давлат маблағи тежалади.

Анжуман давомида ярашув институтини қўллашнинг процессуал жиҳатлари ҳамда суд, тергов амалиётида қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, уни такомиллаштириш каби масалалар таҳлил қилинди. Конференция якунида мазкур тизимни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга доир бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

Миннатдорлик

ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ АРДОҒИДА БЎЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев номига Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Қаъни қишлоғида яшовчи Бибижон Ғуломовадан миннатдорлик хати келди. Мактубда жумладан шундай дейилади: «Қизим Муҳаббат Мўминова ҳеч қандай сабабсиз уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолиб қолганди. Бу ҳақда туман ИИБга мурожаат қилдик. Ички ишлар идоралари ходимлари қидирув-суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Кўп ўтмай, туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакиллари – капитан Саъдулла Ҳамроев ва катта лейтенант Ёрқин Аменов дилбандимни Андижон вилоятидан топиб келишди. Қизимизни яна бағримизга қайтарган фидойи осойишталик посбонларига оиламиз номидан миннатдорлик билдираман. Уларга сиҳат-саломатлик, шу билан бирга, ҳамиша халқимиз ардоғида бўлиб юришларини тилаб қоламан».

Репортаж

ППХ БАТАЛЬОНИ ЯНГИ БИНОДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Патруль-пост батальонининг янги биноси соҳа ходимларининг кундалик фаолиятидан ҳикоя қилувчи баннерлар, байроқлар, анвойи гуллар билан безатилган. Марказий хиёбонда Асака шаҳридаги 25-ҳарбийлаштирилган мактаб-интернатда таълим оладиган ўқувчилар саф тортиб туришибди. Бўлажак ҳарбийларнинг эгнида оппоқ байрам либоси.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Андижон вилояти ИИБ патруль-пост батальонининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев очди. У ўзининг кириш сўзида патруль-пост хизмати ходимлари кези келганда соғлиғини, ҳатто ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, жиноятчиликка қарши курашиш, барқарор жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида зиммаларидаги вазифаларни шараф билан бажараётганликларини эътироф этди. Улар ҳамиша бошига ташвиш тушган одамларга ёрдамга шай эканликларини таъкидлади. Соҳа ходимлари учун яратилган қулайликлар самарали фаолият кўрсатишларида муҳим омил бўлишини қайд этди. Сўзининг охирида батальон шахсий таркибини янги бинога кўчиб ўтгани билан табриклаб, ҳалол хизмат қилишларига, хизмат бурчларига ҳамиша содиқ қолишларига ишонч билдирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов:

– Биз ички ишлар идоралари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бу эса уларнинг фаолиятида учрайдиган муаммоларни ўз вақтида муваффақиятли ҳал этиш имконини бераяпти, – деди.

У вилоят ҳокимлиги бундан буён ҳам ички ишлар органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини айтди. Чунки ушбу соҳанинг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш хизмат самарадорлигини оширишнинг, пировард натижада минтақада тинчлик-барқарорликни сақлашнинг гарови эканлигини таъкидлади.

Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Д. Бобожонов эса ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятида эришган ютуқларига, бунинг натижасида жиноятлар сони камайганлигига тўхталди. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Патруль-пост хизмати ходимларига мурожаат этиб:

– Ишонаманки, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш жабҳасида бундан буён ҳам ташаббускорлик, ғайрат-шижоат ва фидойилик намуналарини кўрсатасизлар. Чунки бунинг учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бу биноларни бунёд этишда яқиндан ёрдам берган Андижон вилояти ва Андижон шаҳри ҳокимликларига, бошқа ташкилотларга самимий миннатдорлигимни билдираман, – деди.

Тантанали тадбир сўнгида патруль-пост батальони командирининг ўринбосари, лейтенант Фарҳодбек Тиркашевга сўз берилди. У ППХ батальони шахсий таркиби номидан республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаевга, Андижон вилояти ИИБ раҳбариятига бундай ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этди. Шунингдек, батальон ходимлари бундан буён ҳам жиноятчиликка қарши курашчиларнинг олдинги сафида бўлишига, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик-осойишталикни ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларини шараф билан бажаришларига ваъда берди.

Генерал-лейтенант А. Ахмедбаев хизматда юқори кўрсаткичларга эришган ходимларга пул мукофотларини топширди. ППХ батальонининг янги базасини бунёд этишда қатнашган бир қатор қурувчилар ҳам фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ходимлар оркестр томонидан ижро этилган ҳарбий марш садолари остида юксак мартабали меҳмонлар турган минбар олдидан шаҳдам қадамлар ташлаб ўтишди. Шундан сўнг Андижон вилояти ИИБ АВБСО ходимлари кўргазмали чиқишлар чоғида ўзларининг қўл жанги, совуқ ва ўқотар қуроллардан фойдаланиш, саф тайёргарлиги бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Вазир А. Ахмедбаев ППХ батальони командири, подполковник И. Ахмедовга янги бинонинг рамзий калитини топширди. Оркестр садолари остида ППХ батальонининг маъмурий биносига киришда тортилган лента қирқилди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев вилоят ИИБ раҳбарияти ва Андижон шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари ҳамроҳлигида шахсий таркиб учун яратилган маиший шарт-шароитлар билан танишди, кабинетларни, синф хоналарини, дам олиш хонасини, спорт залини, техника сақланадиган жойларни, ошхона ва тирни, отлиқ отряд ва кинология хизмати жойлашган биноларни кўздан кечирди. Ходимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг хизмати, оилавий аҳволи билан қизиқди.

Шундан сўнг вазир Маънавият ва маърифат хонасида тезкор йиғилиш ўтказди. Унда шаҳар-туман ИИБ бошлиқлари, соҳавий хизматлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда барча соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги, узоқ вақт қўшни мамлакатларда бўлиб, уйига қайтган фуқаролар ўртасида профилактик ишлар олиб бориш хусусида гап борди. Ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа терроризмга қарши курашиш эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ушбу иллат чегара билмайди, миллат, дин танламайди. Унга қарши жаҳон ҳамжамияти фаол курашмоғи лозим. Терроризмга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик турли босқичларда амалга оширилаяпти. Глобал, минтақавий, кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик шулар жумласидандир. Бу борада халқаро ва минтақавий ташкилотлар тузилган, БМТ шафелигида бир қатор конвенциялар, резолюциялар қабул қилинган.

Мамлакатимиз терроризм нима эканлигини жуда яхши билади. Юртбошимиз терроризм аср вабоси эканлиги ҳақида жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор огоҳлантирган. Ўзбекистон терроризмга қарши курашиш борасида ўзининг қатъий позициясига эга, деди маърузачи.

Ички ишлар вазири ўз чиқиши якунида соҳавий хизматлар раҳбарлари қўл остидаги ходимларга ҳар жиҳатдан намуна бўлишлари, шахсий таркибни, айниқса, ёш ходимларни ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашлари лозимлигини уқтирди.

Йиғилишдан сўнг генерал-лейтенант А. Ахмедбаев Андижон вилояти ИИБда бўлиб, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гул қўйди.

Шу куни вазир Асака туманининг Файзиобод қишлоғида бўлди. Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан учрашиб, 283-милиция таянч пунктини кўздан кечирди.

– Яқин-яқинларгача ППХ батальони мослаштирилган бинода жойлашган эди, – дея ҳикоя қилади Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Ў. Абдураззоқов. – Бундан бир ярим йил бурун янги бино қурилиши учун Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан 3,5 гектар ер ажратилди. Қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Уч қаватли маъмурий бино бунёд этилди. Унда навбатчилик қисми, кабинетлар, махсус тайёргарлик синфлари, ўқув заллари, «Руҳий енгиллаштириш хонаси» жойлашган. Бундан ташқари, кутубхона, компьютер зали, меҳмонхона типидаги ётоқхона, дам олиш хонаси, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кабинети, ювиниш хоналари мавжуд. Барча хизмат хоналари замонавий мебеллар, кўргазмали воситалар билан жиҳозланган.

Бўлинма ҳовлисида Маънавият ва маърифат хонаси, тренажёрлар ўрнатилган спорт зали, бассейнли сауна, ошхона, фуқароларни қабул қилиш хонаси, автомобилларни сақлаш жойлари, тир ва кўпгина ёрдамчи бинолар бунёд этилган.

Илгари кинология хизмат ва отлиқ отряднинг отхонаси асосий базадан узоқда жойлашган эди. Эндиликда эса батальон ҳудудида хизмат итлари вольерлари, отхона қурилди. Каттагина саф майдони ҳам бор. Ҳудудни ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Шахсий таркиб хизматдан бўш пайтлари мевали ва манзарали кўчатлар ўтказяпти. Фаввора ва суҳбатлашиб ўтириш учун мўлжалланган мўъжазгина шийпонча бунёд этилди.

– Фаолиятимизнинг самарадорлиги мезонларидан бири ишимизга аҳоли берадиган баҳодир. Шу маънода жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш биз учун муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролардан миннатдорлик хатлари келганида ходимларимиз янада руҳланиб кетишади, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост батальони командирининг ўринбосари, майор Ф. Бурҳонов.

Ҳар томонлама қулайликларга эга бинога кўчиб ўтишганидан сўнг ППХ ходимларининг кайфияти кўтарилиб кетгани аниқ. Бу тез орада уларнинг хизмат кўрсаткичларида акс этиши шубҳасиз.

Сўнгги йилларда вилоят марказида улкан ўзгаришлар юз берди: янги турар жойлар, замонавий кўп қаватли бинолар бунёд этилди, дўконлар очиляпти, йўллар реконструкция қилинмоқда. Андижон шаҳрида спорт мусобақалари, оммавий маданий тадбирлар, байрам тантаналари ППХ ходимларининг хизмати юқори даражада ташкил этилганлиги туфайли тинч-осойишта ўтказилмоқда.

Борис КЛЕЙМАН.
Б. ВОҲИДОВ
олган суратлар.

Тадбир

Республика ИИВ Академиясида халқимизнинг севимли шоираси Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман!» номли бадиий-маърифий кеча ўтказилди. Унда таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар, шоиранинг яқинлари иштирок этди.

СОҲИР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Тадбирни ИИВ Академияси тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, подполковник М. Комилов очиб, шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача сўз юритди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Ойдин Ҳожиева, адабиётшунос Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарама Улуғовалар сўзга чиқиб, Зулфиянинг бетакрор ижоди, ибратли ҳаёт йўли, юксак инсоний фазилатлари хусусида батафсил тўхталдилар. Унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

Шундан сўнг шоиранинг инсон қалбидаги пинҳон туйғуларни мавжлантириб юборадиган мафтункор шеърларидан намуналар ўқилди. Айниқса, бундай шеърларнинг инглиз ва рус тилларида жаранглагани кўпчиликда унутилмас таассурот уйғотди. Бу, албатта, ўқув даргоҳида таълим жараёнида бадиий адабиётга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова, халқ ҳофизи Оролмирза Сафаров ва Академия бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар кечага ўзига хос файз бағишлади.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,
сержант.

Семинар

САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасида тизим муассасалари юрисконсультлари ва инсон ҳуқуқлари йўналиши бўйича масъул этиб бириктирилган ходимлар иштирокида «Жазони ижро этиш тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирни ИИВ ЖИЭББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник Д. Ҳамрақулова очиб, мустақиллигимизнинг ўтган йилларида инсон ҳуқуқларини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш, унинг ҳимоясини таъминлаш, давлат органлари фаолиятини айнан шу соҳага йўналтириш, хусусан, бу борада жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳамда унинг тизимларида амалга оширилган ишлар билан иштирокчиларни яқиндан таништирди.

Шундан сўнг фалсафа фанлари доктори, профессор Ж. Шермуҳамедова, Олий хўжалик суди катта маслаҳатчиси И. Аминов ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси М. Ниёзов «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун, хўжалик судларига ҳужжатларни тақдим этиш, расмийлаштириш, тузиш ва бекор қилиш тартиби, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига бағишланган маърузалари билан иштирок этишди. Шунингдек, маърузачилар ўз нутқларида бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилганлиги, яъни аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳар қандай ҳолатга барҳам бериш давлатимизнинг энг муҳим вазифасига айланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Семинар давомида бош бошқарма қўриқлаш ва сақлаш тартиботини ташкил этиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник А. Хегай келиб тушаётган ариза ва шикоятлар таҳлили ҳақида фикр юритди. Тадбир сўнгида жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича ҳисоботлар ва кўрсатмалар ижросини таъминлаш борасида учраётган камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, келгусида бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Камолиддин ЛУТПИЛЛАЕВ,
катта лейтенант.

Қарор ва ижро

ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори юксак инсонпарварлик ва ғамхўрлик ифодаси сифатида эътироф этилмоқда. Айни пайт жойларда қарор ижроси юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилиб, кўплаб маҳкумлар озодликка чиқарилмоқда.

— Бундай эътибордан бошимиз осмонга етди. Президентимиз, ҳукуматимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Бундан кейин ўз фуқаролик бурчимиз ва масъулиятни янада теран ҳис қиламиз. Озодликка чиққанимиздан кейин бизга яна мурувват кўрсатилиб, соғлиғимизни тиклаб олиш учун стационар ва амбулатор тарзда тиббий ёрдамлар кўрсатилди. Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватландик, — дейди беруний-лик Равшан Ешманов, Жумамурот Эрниязов ва Худойберган Норбоев.

Жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссия томонидан профилактик ҳисобга олинган шахсларни мутахассисликлари бўйича фойдали меҳнатга жалб этиш ташкиллаштирилаяпти. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 17 кишига ижтимоий кўникма марказлари орқали бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Улар билан якка ва умумий тартибда профилактик-огоҳлантирув ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, доимий яшаш жойига қайддан ўтиш масалалари ҳал қилиниб, 15 шахсга биометрик паспорт олишида амалий ёрдам кўрсатилди.

— Бундан кўзланган асосий мақсад улар томонидан такрорий жиноят содир этилишининг олдини олиш, амнистия актининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жамиятга мослашувини таъминлашдан иборатдир, — дейди Беруний тумани ИИБ ҲООГ катта инспектори, катта лейтенант Эргаш Досбаев.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

ЁШЛАРНИ ИЛЛАТДАН АСРАЙЛИК!

Гиёҳвандлик, одам савдоси, терроризм, диний экстремизм каби жиноятларнинг аянчли оқибатлари ҳар бир кишини огоҳ ва ҳушёрликка чорламоқда.

Гурлан ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежида «Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги доирасида тадбир бўлиб ўтди. Учрашувда вилоят ИИБ ИҲҚҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник А. Матризаев сўзга чиқиб, гиёҳвандлик ва унинг аянчли оқибатлари, ёшларимизни бу иллатдан асраш юзасидан амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталди.

Тадбирда «Алдганлар қисмати» номли видеофильм намойиш этилди. Ҳаётий воқеаларни ўзида мужассам этган бу фильм ёшларни турли жиноий таҳдидлардан асраш билан бирга, уларнинг бу борадаги тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилади.

Очиқ ва самимий мулоқот асосида ўтган бу тадбир ёшларимизнинг ҳуқуқий билимини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туман ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Суратда: *Гурлан тумани ИИБ ҲООГ ВЕЎН ва ҲПГ катта инспектори, капитан Умид Раҳимов ёшлар билан суҳбатлашмоқда.*

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Малакали кадрлар – ютуқлар гарови

ЯНГИ МУТОЛАА ЗАЛИ

курсантлар учун қулайликлар яратди

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар маркази осойишталик посбонлари сафини етук кадрлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда ички ишлар идораларининг сафдорлар таркибидаги ходимларни бошланғич тайёргарлик, сержантлар таркибини малака ошириш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати сафдор ходимларини қайта тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган.

Марказда тингловчи ва курсантларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ҳамда касбий билимларини оширишга жиддий эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда кутубхонанинг китоб фонди мунтазам равишда янги адабиётлар билан бойитилиб, мавжуд шароитлар тобора яхшиланиб борилмоқда. Айни пайтда кутубхонада 7,5 мингдан ортиқ китоб бор. Улар нафақат соҳага оид махсус адабиётлар, балки турли энциклопедиялар, ҳуқуқий ва бадиий адабиётлар ҳамдир.

Яқинда бу ерда янги мутолаа зали фойдаланишга топширилди. Ушбу шинам ва замонавий мутолаа залида барча зарур қулайликлар мавжуд. Бу, шубҳасиз, тингловчилар ўқиб-ўрганишлари, ўз билим ва малакаларини янада оширишлари учун катта имконият яратди.

Марказда тингловчи ва курсантларнинг ўқув жараёни, мустақил тайёргарлик машғулотларидан ташқари дам олиш вақтлари ҳам мазмунли ўтмоқда. Жумладан, тегишли жадвал асосида уларнинг театр ва музейларга ташриф буюришлари яхши анъанага айланган.

М. МАТЧАНОВА,
подполковник.

Хабарлар

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойили – қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўналишида пухта ўйланган мақсадли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Зеро, қонун устувор бўлган давлатда жамиятнинг барқарор ўсиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли таъминлаш юқори даражада кафолатланади.

ТАЛАБАЛАР ЭЪТИБОРИГА ЕТКАЗИЛДИ

Бу борада энг муҳим масалалардан бири – жамиятда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига, хусусан, мактабгача таълим муассасаларидан олий таълимгача бўлган босқичларда қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб борилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ва тизимли ёндашув, самарали чора-тадбирлар натижасида қасддан одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, товламачилик, ўғрилик жиноятлари шунингдек, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари йилдан йилга камайиб бормоқда. Пировардида қонун устуворлиги ва фуқаролар хавфсизлиги таъминланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида ёшларни қонунга итоат қилиш руҳида тарбиялаш бўйича қонунлар тарғиботига бағишланган тадбирлар режаси ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида талабалар иштирокида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича тарғибот тадбири ўтказилди.

Унда ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси муҳим ишлар бўйича катта инспектори, майор Б. Султонов мазкур қонун юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тадбирни ўтказишдан мақсад ушбу қонуннинг талабларини талабаларга тушунтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат эди.

Тадбирда фаол иштирок этган талабаларга келгусида ўзларининг назарий билимларини оширишлари учун ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан нашр этилган юридик адабиётлар топширилди. Ўтказилган тадбир талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Феруз АМОНОВ,
капитан.

МУТАХАССИСЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан Давлат ёнғин назоратининг иш услубини такомиллаштириш, ушбу йўналишда хизмат олиб бораётган ходимларнинг билим савиясини ошириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туманлар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлим, бўлинма ва ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларининг муҳандис-инспекторлари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда ёнғиннинг олдини олиш, меъёрий-техник экспертиза, ёнғинлар бўйича суриштирув ва текширув ишлари йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ, вилоят ИИБ масъул ходимлари, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент вилояти ҳудудий комиссияси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан мутахассислар иштирок этди. Тадбирни вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник А. Авазов очиб, тадбирнинг ўтказилишидан мақсад, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, семинар давомида мутахассис ходимлар ўз маърузалари билан қатнашиб, самарадорликни ошириш, иш жараёнида учраб келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Шу билан бирга, ходимларнинг ёнғинлар бўйича суриштирув ва текширув ишларини юритиши, уларнинг оқибатларини ҳисобга олиши, меъёрий-техник экспертиза йўналишидаги ишлар бўйича машғулотлар ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

Сардор НУРМЕТОВ,
сержант.

Саломатлик посбонлари

ХОДИМЛАР СОҒЛИҒИНИ КЎЗЛАБ

Навоий вилояти ИИБ тиббиёт бўлими томонидан осойишталик посбонлари, фахрийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, ички ишлар идораларига муносиб номзодларни танлаб олиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тиббиёт бўлимида малакали шифокорлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг самарали иш олиб бориши учун барча шароитлар яратилган. Шифокорлар белгиланган режа асосида жойларга чиқиб, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келишяпти. Ушбу тадбирлар бесамар кетмаётгани, соҳа ходимларининг тиббий маданиятини юксалтиришга ҳисса бўлиб қўшилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

– Сўнгги русумдаги ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарига эгамиз, – дейди вилоят ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, капитан Жамолиддин Орзиев. – Бу касалликларни дастлабки босқичдаёқ аниқлаб, қисқа муддатларда даволашда катта аҳамият касб этмоқда.

Бўлимда янги очилган кундузги стационар Жанубий Кореядан келтирилган «Nuga Best NM-5000» тиббий ускуналари билан жиҳозланди. Бу тиббий жиҳозлар асосан нуқтали массаж хусусиятига эга бўлиб, қандли диабет, буйрак асоратлари, нафас йўллари сиқилиши, юрак-қон томир хасталикларини даволашда жуда қўл келади. Оёқларда шишни камайтиради, чарчоқни йўқотади. Бу эса ходимлар хизматда янада самарали фаолият кўрсатишлари учун асқотаяпти.

Мирзоқул ҒАНИЕВ.

Навоий вилояти.

Суратда: *физиотерапия бўлинмаси ҳамшираси Чарос Раҳматова беморни муолажа қилаяпти.*

Муаллиф олган сурат.

«Тозалаш – Антитеррор»

ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрамига қизғин тайёргарлик бошланди. Жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қутлуғ айём кунлари хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли «Тозалаш–Антитеррор» тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилмоқда. Бу муҳим тадбирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам жалб этилган.

ЖИЗЗАХ вилоятида ўтказилаётган тадбирларда энг чекка қишлоқлар ҳам четда қолмаяпти. Текширув ишларида қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари, ташкилот ва муассасалар вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Зомин туманида ўтказилаётган тадбирда Муғол қишлоғида яшовчи М. Тожибоев ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақлаб келинаётган «ИЖ-18» русумли, 1960 йилда ишлаб чиқарилган ов милтиғини ўз хоҳишига кўра топширган. Тумандаги Даштобод шаҳарчасида яшовчи С. Муроднинг хонадонида 170 килограмм чигит ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланди. Жиноят содир этиб, республикамиздан ташқарига чиқиб кетган М. Ориф Қозоғистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда олиб борилган қидирув натижасида Алмати шаҳрида яширин манзилида қўлга олинган.

Фурқат ЖАББОРОВ,
катта лейтенант.

СИРДАРЁ вилоятида ўтказилаётган «Тозалаш–Антитеррор» тадбири бошланганидан буён 50 мингдан ортиқ объектлар текшириб чиқилди. Жумладан, хонадонлар, кўп қаватли уйлар, чордоқлар, ертўлалар кўздан кечирилмоқда.

Шунингдек, мингдан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Жиноят содир этиб, қидирувда бўлган йигирмага яқин шахс ушланди. Жумладан, ўғрилик жиноятини содир этиб, яшириниб юрган Ширин шаҳрилик С. Раҳмонқул, фирибгарлик йўли билан кўпчиликни чув тушириб юрган Сардоба туманилик Э. Салим қўлга олинди. Гулистон шаҳрида яшовчи, «Экстрактёғ» очиқ акциядорлик жамияти ишчиси Р. Нодиранинг уйига ўғриликка тушганлар унинг ҳамкасблари эканлиги аниқланиб, қўлга олиниши ҳам айни тадбир ўтаётган кунлари амалга оширилди.

Баҳром ПРИМОВ,
майор.

Юксак мукофот соҳиблари

УМИДЛАРНИ ОҚЛАЁТГАН УМИДЖОН

Наманган вилояти ИИБ Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ходимлари иштирок этган навбатдаги операция ҳам муваффақиятли якунланди. Ўта оғир жиноят содир этиб, воқеа жойидан яширинишга улгурган хавфли рецидивист беркинган жойида қўлга олинди. Бунда ҳар бир ҳолатни эътибордан қочирмай, вазиятга тўғри баҳо берган сержант Умиджон Турғуновнинг ҳам хизмати катта бўлди.

Чортоқ туманининг Булон қишлоғида яшовчи Олимжон Турғунов оиласини кўпчилик азалдан яхши билади. Бунинг боиси оила бошлиғи ҳалол меҳнати билан эл орасида обрў топган. Умиджон бешинчи қиздан сўнг туғилгани учун оиладагилар қалбини қувончга тўлдирди.

Фарзанд тарбиясини ҳаёт-мамот масаласи деб билган ота-она Умиджоннинг ўқишига, одоб-ахлоқга алоҳида эътибор қаратишди. Айниқса, отаси бир пайтлар ўзи ички ишлар ходими бўлишни орзу қилганини айтиб, ўғлида ушбу шарафли касбга қизиқиш уйғотди. Умиджон мактабда аъло баҳоларга ўқиб, спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғуллана бошлади.

Ҳеч нарса инсоннинг иродасини чиниқтиришда, қийинчиликларни мардона енгиб, мақсад сари дадил интилишига куч бағишлашда спортнинг ўрнини босолмайди. Умиджон ҳам ўз олдига қўйган мақсади – Наманган муҳандислик педагогика институтига ўқишга кирди. Уни тамомлаб, ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Сўнг ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тамомлаб, вилоят ИИБ АВБСОда фаолиятини бошлади.

Ёш ходимнинг изланувчан ва тиришқоқлиги, техникага қизиқувчанлиги командирлар эътиборидан четда қолмади. У республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Самарқанд шаҳар марказида алоқа йўналиши бўйича таҳсил олиб қайтди. Иродаси мустаҳкам, спортда чиниққан йигит билими ва жисмоний тайёргарлигини ошириб бориши, хизмат интизомига қатъий риоя қилиши ҳамда бошқаларга нисбатан самимий, камтарлиги билан тез орада ҳурмат-эътибор қозонди.

Бугунги кунда сержант У. Турғунов отряддаги энг тажрибали ходимлардан бири ҳисобланади. Ундан

касб сирларини ўрганаётган сержант Т. Абдуллажонов, кичик сержантлар Д. Қирғизов, А. Кенжаев каби ёш ходимлар устозлари билан фахрланишади. Ота-онаси, командирларнинг умид ва ишончини тўла оқлаётган чинакам бахт соҳиби турмуш ўртоғи билан бир ўғил, бир қизни муносиб тарбия қилмоқда.

Қаерда тинчлик, одамлар қалбида хотиржамлик бўлсагина, ўша ерда ривожланиш, фаровонлик бардавомдир. Ана шу энг буюк неъматни сақлаш учун вилоят ИИБ Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ҳам тунларни кунларга улаб хизмат қилмоқда. Шахсий таркиб диний-экстремистик ва террорчи гуруҳларга, ашаддий рецидивистларга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш билан бирга ўта муҳим объектларни ҳамда она-Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда ҳам мардлик намуналарини кўрсатиб келаётир. Бунда ҳар бир ходимнинг ҳаракатини мувофиқлаштириб туришга масъул бўлган сержант У. Турғунов командирлигидаги алоқачилар гуруҳининг хизмати катта.

Холимларнинг фидокорона хизматлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда. Ватан ҳимоячилари куни арафасида сержант Умиджон Турғунов ҳам давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди. У Президентимизнинг Фармонига биноан, **«Жасорат»** медали билан тақдирланди.

Маматхон ДАМИНШОЕВ.
Наманган вилояти.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ҚАДРИ УЛУҒ ИНСОНЛАР

Бугунги кунда ички ишлар идораларида ҳеч қайси тадбир йўққи, фахрийларимиз иштирокисиз ўтса. Ёш ходимларга иш ўргатиш, малакасини ошириш борасида ҳам энг аввало, тажрибаси кўп, узоқ йиллар шу соҳада хизмат қилган устозлар кўмагига таянилади. «Устоз-шогирд учрашувлари» каби тадбирларнинг ташкил этилишидан асосий мақсад ҳам аслида шу. Зеро, фахрийларимиз маслаҳатлари, насиҳатлари туфайли амалга оширилган ишлар ҳамиша муваффақият қозониб келган.

Бунга жавобан ички ишлар идораларида ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, кексалардан, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш, байрамларда қутлаш, саломатликларини асраш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари кундалик вазифалардан бирига айланган. Шу боис фахрийларнинг тилаклари осойишталик посбонларига куч-қувват бахш этиши шубҳасиз. Ана шундай дуогўйларимиздан бири – андижонлик отахон, истеъфодаги катта сержант Эргашбой Йўлдошевдир.

Эргашбой ота кўп йиллар ички ишлар идораларида турли вазифаларда хизмат қилди. Қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ҳамиша ибрат кўрсатган. Катта сержант унвони билан нафақага кузатилгач, қарийб, ўттиз йилдирки, фахрийлик гаштини сурмоқда. Мана шу давр ичида турмуш ўртоғи Ўлмасхон ая билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди, эл қаторига қўшди. Бугунги кунга келиб 20 нафардан зиёд набира ва саккиз нафар чевара даврасида умргузаронлик қилмоқда.

Дарҳақиқат, Эргашбой отанинг қизлари, лейтенант Ибодатхон Йўлдошева Андижон вилояти ИИБ ШТБИХда, сафдор Инобатхон Йўлдошева эса котибиятда самарали хизмат қилиб, жамоада ўз обрў-эътиборига эга.

Саксон бир баҳорни қаршилаётган отахоннинг ҳаракатлари тетик, сўзлари равонлигини кўриб, ҳавасингиз келади…

Саминжон ҲУСАНЗОДА.
Андижон вилояти.

Суратда: *истеъфодаги катта сержант Эргашбой Йўлдошев қизлари Ибодатхон ва Инобатхон билан.*

Муаллиф олган сурат.

Ибрат

УСТОЗЛАРГА ЭРГАШГАН ШОГИРД

Гулистон шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмига шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бирининг хонадонида ёнғин содир бўлгани ҳақида хабар келди. Экипаж воқеа жойига етиб келганда одамлар ёнғин ичида икки киши қолиб кетганини айтишди. Ҳасанбой Мўминов зудлик билан қутқарув машинаси нарвонлари орқали ёнғин бўлаётган қаватга кўтарилди. Тезкорликда қилинган ҳаракатлар туфайли уй эгалари олов домидан олиб чиқилди. Ёнғин атрофдаги хонадонларга тарқалмасидан бартараф этилди. Бу Гулистон шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ҲЁХҚ экипаж командири, сафдор Ҳасанбой Мўминовнинг хизмат фаолиятидан бир лавҳа, холос. Унинг кўрсатган фидойилиги туфайли кўплаб ёнғинлар жиддий талофатларсиз бартараф этилиб, бир қанча инсонлар ҳаёти сақлаб қолинган.

…Ҳасанбой Гулистон шаҳрида туғилиб, вояга етди. Отаси деҳқончилик билан шуғуллангани учун аввалларида у ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқарди.

– Ҳарбий хизматни тамомлаб келган пайтларим эди, – дейди Ҳ. Мўминов ўша дамларни хотирлаб. – Бир куни уйимизга ёнғин хавфсизлиги соҳасида хизмат қиладиган амаким келди. Узоқ суҳбатлашдик, келгуси режаларим билан қизиқди. Суҳбат асносида ўз касбининг машаққатлари, шунингдек қанчалик шарафли экани ҳақида гапириб берди. Шу суҳбат таъсирида қалбимда мазкур соҳага иштиёқ пайдо бўлди.

Унинг бу қарорини отаонаси ҳам қўллаб-қувватлашди. Шундай қилиб, ҳаракатчан ва интилувчан ёш йигитнинг истаги амалга ошди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ҲЁХҚ навбатчилик сменасида ёнғин ўчирувчи вазифасида хизмат фаолиятини бошлади. Интилувчанлиги боис касб сирларини пухта ўрганди, кўп ўтмай жамоадошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. У тажрибали ходимларни ўзига устоз тутди, улардан касб сир-асрорларини ўрганди. Бугун эса ўзи ёш ходимларга устозлик қиляпти.

– Дастлаб хизматга келганимда Ҳасанбой аканинг содир бўлган ёнғинни бартараф этишдаги ҳаракатларини кўриб қойил қолгандим, – деди сафдор О. Бердиқулов. – Ёнаётган жойни ўчиришга киришганимда у киши ёнимда туриб, дадил бўлиш, иккиланмасдан ҳаракат қилиш лозимлигини айтиб, далда бериб турди. Кейинчалик олов ичида қандай ҳаракат қилишни ўргатди. Устоздан ёнғин ўчиришнинг яна кўп жиҳатларини ўргандим.

Касбига сидқидилдан ёндашиб, ёшларга билганларини ўргатишдан эринмайдиган фидойи йигитни жамоада доимо ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.

Ҳасанбой БЕРДИЕВ,
лейтенант.
Сирдарё вилояти.

Шарҳ

ЖАМОАТЧИЛИК СУДЛАРИ – ХОЛИСЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги қайд этилган.

Чунончи, республика ички ишлар органларида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида жамоатчилик таъсиридан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларни келгусида янада такомиллаштириш, хизмат интизомини бузишга мойил бўлган ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан таъсир чоралар қўлланилишида жамоатчилик таъсирини кескин оширишга қаратилган зарурий чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Дарҳақиқат, ички ишлар органлари ходимлари Ватан ва халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиб, хизмат бурчига содиқ қолишлари, касб маданияти талабларига, ахлоқ-одоб доирасидаги нормаларга, интизом ва қонунийликка қатъий риоя этишлари шарт. Шунингдек, ёш ходимларда шу каби фазилатларни шакллантиришда хизмат жамоаларининг ўрни ва таъсирини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун бугунги кунда амалда бўлган «Ахлоқ-одоб судлари»га янгича ёндашиш, судларни замон талаблари даражасида олиб бориш, ҳар бир судни холислик ва жамоатчилик муҳокамаси асосида ўтказиш мақсадида янги Низом қайта ишлаб чиқилиб, 2015 йил 4 февраль куни «Ички ишлар органларида жамоатчилик судлари тўғрисида»ги Йўриқнома тасдиқланганлиги бу борада дастурламал бўлиши шубҳасиз.

Хўш, ана шу муҳим ҳужжатда нималарга алоҳида эътибор қаратилган? «Ахлоқ-одоб судлари»ни «Жамоатчилик судлари»га айлантиришдан кўзланган асосий мақсад нима?

Бунда бош мақсад – республика ички ишлар органлари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий амал қилиш, ходимлар қасамёдига садоқатли бўлиши, вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини бекаму кўст бажара оладиган мутахассис сифатида тарбиялаш, хизмат жамоаларини жипслаштириш, шахсий таркиб ўртасида хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, ахлоқий бузуқ хатти-ҳаракатларни содир этувчи ходимларга нисбатан муросасизлик ҳиссини кучайтириш, ёш ходимларни тарбиялаш ҳамда касбий маданиятини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш борасидаги жамоатчилик назорати ҳисобланади. Шунингдек, «Ахлоқ-одоб судлари» томонидан 10 дан зиёд ҳужжатлар тайёрланган бўлса, ушбу Йўриқнома бўйича ортиқча қоғозбозликка барҳам берилди.

Шунингдек, ходим томонидан ножўя хатти-ҳаракат содир этилганда «Ахлоқ-одоб судлари» бир ёқлама – ходимни тартибга чақириш, енгилроқ жазо, масалан, огоҳлантириш билан чекланган.

«Жамоатчилик судлари»да судлар – ИИВнинг марказий аппаратида ягона суд, унга бевосита бўйсунувчи бўлинмаларида (ППХ ва ЖТСББнинг АМБ, ВСҲ ва Кинология маркази, «Қўриқлаш» РБнинг АМБ ва Комендатура, Хўжалик бошқармасининг қўриқлаш отряди, ЁХББнинг республика ихтисослаштирилган отряди, Ёнғин техник лабораторияси, НКМК ЁХБ, ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш (Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Олмалиқ шаҳар) марказларида) алоҳида тузилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБларида, уларга бевосита бўйсунувчи бўлинмаларда (ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси ёки батальони, ВСҲ, Кинология маркази, Реабилитация маркази, ЙҲХБнинг АЙПХ бригадаси, батальони ёки отряди, Қўриқлаш бошқармасининг АМБ) ҳам судлар алоҳида тузилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Ахлоқ-одоб судлари» сафдор, сержант, кичик ва катта офицерлар таркиби бўйича ташкил қилинарди. «Жамоатчилик судлари» эса судлар – суд раиси, суд раисининг ўринбосари, суд аъзолари, суд котиби сифатида ягона тартибда тузилади. **Суд раиси** – ИИВ марказий аппаратида ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари – Тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи, таълим муассасалари ва Қоровул қўшинлари бош бошқармаси шахсий таркиби учун муассаса бошлиғининг ўринбосари – ШТБИХ бошлиғи тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБларида ушбу ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари – ШТБИХ бошлиқлари, шаҳар-туман-тармоқ ИИБлари, жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари ҳамда ҳарбий қисмларда мазкур тизимлар бошлиқларининг ШТБИ бўйича ўринбосарлари, ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари тайинланади.

Суд раисининг ўринбосари – ички ишлар органларида 10 йилдан ортиқ хизмат қилган, катта офицерлар таркибининг объектив ва қатъиятли раҳбар (бўлим бошлиғи ва ундан юқори) ходими тайинланади. Суд раиси хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлганда ёки унга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилганда барча ҳужжатлар суд раисининг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Суд раиси ёки раиснинг ўринбосари кўрилган иш бўйича якуний қарор қабул қилади.

Суд аъзолари – ички ишлар органларида 5 йилдан ортиқ хизмат қилиб, ижобий тавсифланаётган, сафдор, сержант, кичик ва катта офицерлар таркибига мансуб жами беш нафар ходим тайинланади. Суд аъзолари таркиби буйруқ билан эълон қилинмайди. Уларнинг рўйхати суд мажлиси ўтказилишидан бир кун олдин, суд котиби томонидан тузилади ва раис ёки раиснинг ўринбосарига тақдим этилади. Суд аъзолари қабул қилиниши лозим бўлган якуний қарорни суд раиси ёки раиснинг ўринбосарига таклиф сифатида киритиш ваколатига эга.

Суд котиби – ички ишлар органларида камида 5 йил хизмат қилган, кичик офицерлар, сержантлар ёки сафдорлар таркибининг малакали ходими бўлади.

Судлар қуйидаги таъсир чораларини қўллаши тўғрисида якуний қарор қабул қилади:

▶ суд мажлиси муҳокамаси билан чегараланиш;

▶ огоҳлантириш эълон қилиш;

▶ ходимнинг хизматга сабабсиз чиқмаган кунлари учун ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш;

▶ ҳайфсан эълон қилиш;

▶ махсус ёки ҳарбий унвонни бир поғона пасайтириш тўғрисида таклиф киритиш;

▶ таълим муассасасининг тингловчилари ёки курсантлари сафидан четлаштириш тўғрисида таклиф киритиш;

▶ ходимни ички ишлар органларидан бўшатиш тўғрисида таклиф киритиш.

Суд мажлисида иштирок этадиган шахсий таркиб орасидан беш нафар суд аъзолари тайинланиб, улар кўпчилик овоз бериш йўли билан мажлисда якуний қарор қабул қилади. Суд мажлисида расмиятчиликка ва сохтакорликка йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда, ишни олиб борган суд раиси ёки раиснинг ўринбосари жавобгар бўлади.

Судлар томонидан қуйидаги ишлар кўриб чиқилади:

▶ ходимларнинг хизматга келиш ва кетишлари билан боғлиқ ноўрин ҳаракатлар;

▶ ходимлар шаънига доғ туширувчи ва обрўсига путур етказувчи, ахлоқ-одоб меъёрлари ҳамда касб маданиятига зид бўлган ножўя ҳаракатлар;

▶ ходимларнинг оиласидаги ва маҳалласидаги ноўрин ҳаракатлари ҳақидаги мурожаатлар;

▶ ходимлар томонидан ўз хизмат вазифалари етарли даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари;

▶ ходимларнинг бошқа салбий ҳаракатлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари якунида судларга юклатилган бандлар ижроси, кўрсатма ва топшириқлар.

Ходимнинг айнан шу ҳаракати бўйича илгари интизомий ёки маъмурий жазо берилган бўлса, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган ёхуд суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлса, суд бундай ишларни кўришни рад этади.

Суд мажлиси «Маърифат ва сиёсий ўқиш» дарсидан сўнг ёки раҳбарият билан келишилган вақтда, хизматга таъсир этмаган ҳолда ўтказилади. Шунингдек, судда ходим ва унинг бевосита раҳбари, ёш ходимнинг мураббийси, фахрийлар ҳам таклиф этилади. Бунда муҳокамаси кўрилаётган ходимнинг раҳбари ва мураббийси иштирокида уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланади.

Ходимнинг оиласидаги, маҳалласидаги ноўрин хулқ-атвори ҳақидаги ишларни кўриб чиқишда яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари иштирок этади ёки фикрномаси олинади ҳамда ходимнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари иштирок этиши мумкин. Аёл ходималарга нисбатан ишлар кўрилганида «Хотин-қизлар кенгаши» аъзоларининг иштироки таъминланиши зарур. Бу эса ўз навбатида, жамоатчилик ташкилотларининг иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Суднинг тарбиявий аҳамиятини ошириш мақсадида суд мажлисига турли соҳавий хизматлардан вакиллар таклиф этилиши, шунингдек, ходимнинг соҳавий хизматидан шахсий таркибнинг камида 20 фоизи иштироки таъминланиши зарур.

Судда офицерлар таркиби ходимининг масаласи кўриб чиқилиши жараёнида сафдорлар таркибининг иштироки тақиқланади.

Суд мажлиси бўйича якуний қарорни қабул қилиш жараёни муҳокама этилаётган ходимнинг иштирокисиз амалга оширилади. Мажлисда қабул қилинган якуний қарор суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан муҳокама этилаётган ходимга мажлис якунида етказилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суд мажлиси муҳокамаси билан чегараланиш, огоҳлантириш эълон қилиш, ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш таъсир чоралари буйруқ билан эълон қилинмайди. Ушбу таъсир чоралари ходимларни навбатдаги малака тоифаси ёки устама ҳақ тўловларига тавсия этмаслик учун асос бўлмайди. Қолган таъсир чоралари буйруқ билан эълон қилинади.

Айтиш жоизки, «ҳайфсан» эълон қилиш, махсус ёки ҳарбий унвонни бир поғона пасайтириш тўғрисида таклиф киритиш таъсир чоралари суд мажлиси баённомаси имзоланган кундан бошлаб бир йил давомида амалда бўлади. Ушбу таъсир чораси амалда бўлган давр мобайнида ходимларни навбатдаги махсус ва ҳарбий унвонга, юқори лавозимга ҳамда рағбатлантиришга тавсия этиш ман этилади.

Бир сўз билан айтганда, «Жамоатчилик судлари» – холислик гарови бўлиб, хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан таъсир чоралар қўлланилишида жамоатчилик иштирокини оширишда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Бернора СОДИҚОВА,
ИИВ ШТБИХ Тарбиявий ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.

ҲУҚУҚ–ТАРТИБОТ ВА

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Мирзачўл туманидаги «Ержар» маҳалла фуқаролар йиғинининг навбатдаги мажлисида томорқалардан фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Шунга кўра маҳалла фаолларидан иборат гуруҳ профилактика катта инспектори, майор Дилшод Шоматов ҳамроҳлигида ҳар бир хонадонда бўлиб, аҳоли томорқалари ҳолатини ўрганиб чиқишди. Шу баҳонада маҳалладошларнинг нима иш билан машғуллиги назоратдан ўтказилди.

– Ўтган йили маҳаллалар ҳудудидаги ариқлар тозаланиб, «Мирзачўл» каналидан сув насос орқали тортилиб кўчаларга тақсимланди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Воҳид Қодиров. – Натижада кўпчилик томорқасида етиштирган сабзавот ва полиз экинларидан яхши ҳосил олди. Мевали дарахт экканлар ҳам хурсанд. Бу хайрли ишни яна давом эттириш мақсадида кўклам арафасида хонадонларни айланиб чиқдик. Зарур ҳолларда тегишли маслаҳат бердик, амалий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз, томорқасида ишлашга кучи етмайдиган кексалар, ногиронларга оталиқ ёрдами ҳам ташкил этиладиган бўлди.

Таҳлиллар кўплаб жиноятлар айнан бекорчилик оқибатида келиб чиқишини кўрсатади. Мавжуд томорқадан оқилона фойдаланиш эса оила бюджетига яхшигина даромад келтиради. Энг муҳими, бу ёшларнинг ҳалол, меҳнатсевар кишилар бўлиб вояга етишишини таъминлайди, улар иштирокида содир бўладиган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўтган йили ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайгани, вояга етмаганлар ўртасида эса умуман рўй бермаганининг асосий омилларидан бири ҳам шу, аслида.

– Айрим ёшлар ишлаш учун хорижга кетмоқчи бўлишади, – дейди профилактика катта инспектори, майор Д. Шоматов. – Ваҳоланки, ақл билан, омилкорона иш юритилса, чет элда топиладиган пулни шу ерда ҳам ишлаб топса бўлади. Асосийси, оиласи бағрида, эмин-эркин яшаб, ишлайди. Туман ҳокимлиги, бандлик маркази билан биргаликда ана шундай ёшларга ўзимиздан иш топиб бердик. Бунда бир нечта тадбиркорлик субъектларининг иш бошлагани ҳам қўл келди.

Маҳаллада биринчи навбатда судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтганларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, М. Холбой озодликка чиқарилгандан кейин фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди. Ҳозир у оиласи билан тинч-тотув яшаб, ишлаяпти. Давлат мулкини ўзлаштиргани учун судланиб, жазо муддатини ўтаб келган Б. Абдусаттор эса чорвачилик билан шуғулланаяпти. Амнистия актига биноан жинояти афв этилган Ж. Нодир фермер хўжалигида тракторчилик қилмоқда.

Аҳоли бандлигига эришишда касаначилик муҳим аҳамият касб этмоқда. Тикувчилик касбини ўрганган бир гуруҳ хотин-қизлар уйларида кичик цехлар ташкил этишди. Миллий либослар, болалар кийимлари, пардалар тикиш йўлга қўйилгач, маҳалланинг йигирмадан ортиқ аёллари доимий иш ўрнига эга бўлди.

– Маҳалламизда ўнга яқин миллат вакиллари истиқомат қилади, – дейди профилактика катта инспектори, майор Д. Шоматов. – Оилалар тинч бўлса, маҳаллада осойишталик бўлиб, ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин. Шунинг учун ҳам фаоллар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда ҳар бир оиладан хабар олиб, ҳар бир фуқарога яқин бўлишга интилаяпмиз. Мақсад – ҳеч ким эътибордан четда қолмасин.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Жиззах вилояти.

▼ *Хизмат жойи – Қоровул қўшинлари*

Ҳар жабҳада фаол

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида ўтказилган ислоҳотлар натижасида ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, такомиллашди, хизмат самарадорлиги ошди. Бўлинмаларда компьютер синфлари жиҳозланди, қўриқланадиган объектларга замонавий техник воситалар ўрнатилди. Шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

– Майор Искандаржон Ибрагимов, капитан Азамат Абдуллаев, катта лейтенант Абдуманноб Бозормирзаев, катта сержант Беҳзод Саидов, сержант Ботиржон Мирзаев, оддий аскарлар Адҳамжон Жўраев ва Азизбек Рашидов кабилар ўзларининг намунали хизмати билан сафдошларига ўрнак бўлишаяпти, – дейди ИИВ ҚҚББга қарашли ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, капитан Давлатбек Шарипов. – Бўлинмамизда шахсий таркибнинг самарали хизмат қилиши ва мароқли дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳарбий хизматчилар бўш пайтлари Андижон вилояти ички ишлар идоралари ўртасида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирларда фаол қатнашмоқда. Ҳарбий қисм жамоаси яқинда вилоят миқёсида ташкил этилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Улар вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида уюштирилаётган турли спорт мусобақаларида ҳам муносиб равишда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда.

Жамоада фидойиларча хизмат қилганларни нафақага тантанали равишда кузатиш хайрли анъанага айланган. Ёшларга катта авлод вакиллари ўзларининг бой тажрибасини ўргатишади. Мутахассисликлар бўйича ўтказилиб туриладиган кўрик-танловлар эса ҳарбийларнинг касб маҳоратини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Шахсий таркибнинг маиший турмуш шароитини яхшилаш ҳамиша раҳбариятнинг диққат марказида. Яқинда 42 хонадонга мўлжалланган уй қурилиши бошланди. Жорий йил охиригача ушбу бинони фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан сўнг ҳарбий хизматчиларнинг турар жой муаммоси бутунлай ҳал бўлади. Яқин орада ҳарбий қисм ҳудудида фуқароларни қабул қилиш хонаси, ошхона, дўкон, тантанали тадбирлар зали қуриш мўлжалланган.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Уларнинг турмуш ўртоқларини ишга жойлаштириш чоралари кўрилаяпти. Фарзандлари эса боғчага, мактабга қатнашмоқда.

Фахрийлар ҳарбий қисмга тез-тез ташриф буюриб туришади. Улар шахсий таркибга ўзларининг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиб беришади. Ёшларни садоқат билан хизмат қилишга даъват этишади. Самимий руҳда ўтадиган бундай тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Б. ВЛАДИМИРОВ.
Муаллиф олган сурат.

▼ *Заррабин остида*

Излар айбдор томон бошлар

Оҳангарон туманидаги кўп қаватли уйлар орасидаги ўриндиқда уяли телефонини титкилаб ўтирган аёлнинг атрофида икки нафар қизалоқ ўйнаб юрарди. Шу пайт улардан бири аёлнинг яқинига келди ва тикилиб тураверди.

– Ойимнинг ҳам телефони худди шунақа, – деди қизча саволомуз қараган аёлга.

– Ойинг қаерда ҳозир? – деб сўради аёл.

– Ойим ҳам, дадам ҳам ишга кетишган.

Қизалоқнинг гапидан аёлнинг кўнглида бирдан шум ният туғилди.

– Телефонимнинг қувати тугаб қолди, сизларникига кириб тўлдириб олсам майлими, – деди.

– Майли, – дея қизалоқ аёлни уйга бошлади.

Нотаниш аёл хонадонга кириб телефонини қувватлантиргичга улаб қўйди ва ўзи эринмай уй жиҳозларини титкилай бошлади. Аввалига жавонни, сўнг сандиқларни бирма-бир очиб кўрди. Қизалоқлар аёлга эътибор ҳам бермай ўйин билан банд эди. Аёл бир қанча тилла тақинчоқларни олиб чўнтагига яширди. Беминнат ёрдам учун қизалоққа раҳмат айтди-да, жуфтакни ростлади.

Кечқурун ишдан қайтган М. Салима (исм-шарифлар ўзгартирилган) уйидаги жиҳозлар титкиланган, тақинчоқлари йўқлигини кўргач қизларидан сўради. Улар малла сочли аёл келганини, телефонини қувватлантирганини айтишди. Салима дарҳол туман ИИБга мурожаат қилди.

Тергов-тезкор гуруҳи ходимлари воқеа жойини синчиклаб кўздан кечира бошлади. Улар орасида туман ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳи ходимлари борлиги боис жиноят қисқа фурсатда фош этилди. Жавон ва сандиқ ичидаги қутичадан олинган қўлбармоқ излари «СОНДА» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими базасида текширилганда, излар шу туманда яшовчи Б. Сайёрага тегишли экани аён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, эксперт-криминалистика гуруҳи ходимларининг синчковлиги туфайли кўплаб жиноятлар ўз вақтида фош этиляпти. Экспертлар, капитан Анвар Абдураҳмонов ва лейтенант Зокир Эшонқулов бошқа соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликдаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам йигирма маротабага яқин воқеа жойини кўздан кечириш тез ва сифатли бажарилди, – дейди лейтенант З. Эшонқулов. – Олинган ашёвий далиллар ва номаълум шахсларнинг бармоқ излари «СОНДА» АДИТ базасига киритилди.

Шунингдек, ходимлар эксперт-криминалистиканинг трасология, дактилоскопик, баллистика каби турлари бўйича тадқиқотлар ўтказишяпти. Бу жараёнларда транспорт воситаларидан қолган излар, ноқонуний ов қуролларидан фойдаланиш, бармоқ излари каби ашёвий далиллар олинаётгани жиноятларнинг «иссиқ изида» фош этилишида асқотяпти.

Иномжон ИМОМХЎЖАЕВ.

Суратда: *лейтенант Зокир Эшонқулов хизмат пайтида.*

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.
Тошкент вилояти.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Хушмуомалалик ва тезкорлик зарур

Маълумки, патруль-пост хизмати ходимлари кўча ва хиёбонларда, одамлар гавжум бўладиган бошқа жамоат жойларида хизмат ўташади. Улар фаолияти давомида турфа шахсларга, турли вазиятларга дуч келишади.

– Шунинг учун ходимларимизни биринчи галда хушмуомала ва тезкор бўлишга ўргатамиз, – дейди Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Зоҳид Мамадалиев. – Соҳамиз вакилларини ички ишлар идораларининг юзига қиёс қилиш мумкин. Чунки оддий одамлар кўчакўйда биринчи галда айнан патруль-пост хизмати нарядларига дуч келишади. Жамоат жойларида бирор кўнгилсизликка учрашса, айнан уларга мурожаат этишади. Демак, ички ишлар идораларига кўпинча, ППХ ходимларига қараб баҳо беришади.

Дарҳақиқат, шундай. Қуйидаги мисоллар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Самарқанд шаҳрининг Ф. Хўжаев кўчасида номаълум кимса фуқаро В. Бахчиев билан жанжаллашиб, унга пичоқ санчади. Буни кўрганлар дарҳол «Тез ёрдам» чақиришади. Аммо жарбдийда кўп қон йўқотганлиги туфайли воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. Шу атрофда хизмат ўтаётган ППХ наряди ходимлари, сафдорлар Н. Амонов ва Ж. Ҳабибовнинг тезкорлиги натижасида ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи шахс қисқа вақт ичида қўлга олинди.

Яна бир воқеа «Ёшлар марказ»и биноси олдида юз берди. Номаълум кимса Ургут туманидан келган қизларни қўрқитиб, уяли телефонларини тортиб олади. Улар шу заҳоти вилоят ИИБ ППХ батальони 3-отряди ходимлари, сафдорлар Э. Хўжанов, Ж. Жуманов, Ф. Лапасов ҳамда Д. Илашевга мурожаат этишади. Талончилар узоққа кета олмади. Осойишталик посбонлари уларни ашёвий далиллар билан қўлга олишди.

Соҳа вакилларига Тайлоқ туманилик К. Ғоипова ёрдам сўраб мурожаат этди. Кимдир байрам тантаналари пайти унга билдирмасдан уяли телефонини олиб қўйган экан. ППХ батальонининг 3-отряди ходимлари сержант Т. Тошқулов, сафдорлар Д. Шарипов ва У. Аҳмедов дарҳол ишга киришишди. Ўғри воқеа жойи яқинида қўлга олинди. У ҳеч қаерда ишламайдиган А. Шуҳрат бўлиб чиқди.

Жорий йил бошидан буён соҳа ходимлари бошқа соҳавий хизматлар вакиллари билан бирга 20 дан ортиқ жиноятни «иссиқ изида» фош этишга муваффақ бўлишди. Шундан ўнтаси бевосита ППХ ходимлари ҳиссасига тўғри келади.

– Вилоят ҳокимлиги ва ИИБ раҳбариятининг кўмагида батальонимиз биноси капитал реконструкция қилинди. Қўшимча хоналар қурилди. Ҳозирда 175 ўринга мўлжалланган ётоқхона, кенг, шинам ошхона ходимлар ихтиёрида. Бундан ташқари, ўзимизнинг тиримиз, саф майдонимиз, мини-футбол майдонимиз, тренажёр залимиз бор. Шахсий таркиб билан ўқув машғулотлари ўтиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди ППХ батальони командири, подполковник Олим Хўжақулов.

Иш шароити яхши бўлса, киши ишлаб чарчамайди, янги марралар сари интилади. Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост батальони ходимлари мақтаса арзигулик ютуқларга эришаётганининг сири ҳам уларга самарали хизмат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани туфайлидир.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.
Самарқанд вилояти.

Суратда: *ППХ батальони ходимлари жисмоний тайёргарлик машғулотида.*
Муаллиф олган сурат.

ОМОНАТНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Шофиркон туманидаги деҳқон бозорида фаолият юритаётган тадбиркор С. Остоновга қарашли савдо дўконида кечаси ўғрилик жинояти содир этилди. Гарчи, дўконнинг эшик-деразасига темир панжара ўрнатилган бўлса-да, жиноятчилар панжарани осонгина жойидан суғуриб, уч миллион сўмлик моддий-товар бойликларни ўмариб кетишганди. Дўкон техник қўриқлаш пультига уланмаган, тадбиркор эса темир панжарага ишонган эди. У хатосини тушуниб, яқинда бизга мурожаат қилди.

Эндиликда кўплаб объектлар қатори С. Остоновнинг дўкони ҳам қўриққа олинган. Айни пайтда бўлинмамиз томонидан қўриқланаётган 60 та халқ хўжалиги объектининг 54 таси ҳамда 27 нафар фуқаро хонадони техник қўриқлаш пультига уланган.

Кейинги пайтда жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳитни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ходимлар хизмат автотранспорти ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланган. Уларнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида доимий равишда амалий-ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Ходимларимиз профилактика инспекторлари билан биргаликда маҳаллаларда бўлиб, пультнинг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг фаолияти, хизматдан кейинги юриш-туриши назоратга олинган. Уларнинг турмуш шароити, маҳаллада тутган ўрнини ҳам ўрганиб бораяпмиз. Айниқса, якка тартибдаги тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилаётгани, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилаётгани яхши самара бермоқда. Ходим шу жамоада ўз ўрни борлигини чуқур ҳис этяпти.

Бўлинмамиз ходимлари зиммаларидаги вазифани бекаму кўст адо этиш билан бирга, туман ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам муносиб ҳисса қўшишаяпти. Улар соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда кенг қамровли профилактик тадбирларда ҳам фаол иштирок этишаяпти. Айни пайтда майда ташмачилик, пайҳонларнинг олди олинмоқда. Шу кеча-кундузда ўтказилаётган «Тонг» тадбири, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳам ходимларимиз фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, ҳозиргача тўртта майда ташмачилик ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, туманда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, энг асосийси, фуқаролар хавфсизлиги, мол-мулки дахлсизлигини таъминлашда ходимлар бор куч ва маҳоратини аямаётир. Зеро, улар омонатни асраш муқаддас бурч эканлигини яхши билишади.

Нодир ШАРИПОВ,
сержант.
Бухоро вилояти.

«101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафтада республикамиз ҳудудида 160 та ёнғин қайд этилди. Турли сабабларга кўра, содир бўлган ёнғинларда ўн нафар фуқаро тан жароҳати олиб, бир киши ҳаётдан кўз юмган. Ушбу ёнғинлар жараёнида 1 млрд. 345 млн. сўмдан ортиқ қурилиш материаллари ва 963 млн. сўмга яқин моддий бойликлар сақлаб қолинган.

Тошкент вилояти Чиноз туманида яшовчи фуқаро И. Маҳкамовнинг хонадонидаги иситиш печининг мўриси носозлиги сабабли ёнғин содир бўлиб, уйнинг томи, шифти ва жиҳозлари зарар кўрган.

Шайхонтоҳур туманилик С. Кошелевнинг уйига меҳмонга келган Т. Холмуратов маст ҳолда сигарет чекиб, уйқуга кетади. Ўчирилмаган сигарет чўғи тўшакка тушиб, ёнғинга айланади Т. Холмуратов куйиш тан жароҳати олган ҳолда шифохонага ётқизилган.

Электр симларининг қисқа туташуви **Фарғона вилояти** Қўштепа туманида яшовчи Г. Турсунованинг хонадонида ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлган ва уйнинг томи ёниб зарарланган.

Иситиш печига эътиборсизлик **Бухоро вилояти** Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи М. Комилжоновага қимматга тушди. Печнинг дудбурони қизиб ёнғин содир бўлди. Натижада уйнинг томи ва жиҳозлари ёниб, оила катта иқтисодий зарар кўрди.

Азиз ҳамюртлар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, иситиш печлари, электр асбобларидан фойдаланишда эътиборсизлик ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Айниқса, болаларнинг иситиш печларини ўзбошимчалик билан ёқиш ёки ўчиришларига йўл қўймаслик керак. Доимо ҳушёр ва эҳтиёткорлик хотиржамлик гарови эканлигини унутманг!

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
майор.

ИИВ Матбуот хизмати хабарлари

НИЯТИ БУЗУҚ ЙЎЛОВЧИ

Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Н. Нурмет «Ласетти» русумли автомашинасида кетаётганда йўловчи сифатида ўтирган номаълум шахс ҳайдовчини бўғиб, пул талаб қилади. Лекин ҳайдовчи жиддий қаршилик кўрсатгач, машинадан тушиб қочиб қолади. Туман ИИБ ходимлари зўравон Юқори Чирчиқ туманилик А. Элдор эканини аниқлаб, қўлга олишди. Айни пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЙЎЛДАГИ БЕЗОРИЛАР

Олмазор тумани ИИБга хатирчилик Ж. Умид икки номаълум шахс уриб тан жароҳати етказгани ҳақида мурожаат қилди. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан безорилар тезда қўлга олинди. Улар аввал ҳам ана шундай қилмиши учун жавобгарликка тортилган А. Саҳобиддин ва Т. Меҳриддин экан. Энди улар қилмишларига яраша жавоб беришади.

ТАЛОНЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Пайариқлик М. Мухлиса кечқурун уйига қайтаётганда номаълум кимса йўлини тўсиб, бўйнидаги тилла занжири ва узугини тортиб олади. Туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказган суриштирувлар натижасида ушбу талончиликни ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Нўъмон содир этганлиги аниқланди. Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ – ҲИМОЯДА

Хусусий тадбиркор Н. Қаюмга қарашли савдо дўконидан тунда 300 минг сўмлик маҳсулотлар ўғирлаб кетилди. Гулистон шаҳар ИИБ ходимларининг суриштирув-қидирув ишлари натижа берди. Ўғриликни муқаддам судланган сирдарёлик Х. Салим содир этганлиги аниқланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт», деган эди.

XXI аср инсоният жамияти ҳаётининг байналмилаллашувидек тарихий қонуниятнинг кучайиш ҳаракати билан ажралиб туради. Давлат чегараларининг мавжудлиги ва ҳар хиллигига қарамай, ягона халқаро жамиятда мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ўсиб бормоқда. Халқаро муносабатлар нафақат давлатлар ҳаётига, балки ҳар бир одамга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуққа амалий нуқтаи назардан қараш, уни ўрганиш ва ўқитиш тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Халқаро ҳуқуққа фақат касбий нуқтаи назардан қараш нотўғри бўларди. Халқаро ҳуқуқ – кўп асрлик байналмилал алоқавий тажрибани гавдалантирувчи, умуминсоний маданиятнинг муҳим элементидир. У одамларни барча миллатларга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Шу йўналишда халқаро ҳуқуқий маданият миллий ва этник зиддиятларни бартараф этишда катта аҳамият касб этади.

Халқаро ва миллий ҳуқуқ давлатнинг ички ҳуқуқи турли соҳаларда амал қиладиган ва бир-бирига бўйсунмайдиган мустақил ҳуқуқ тизимлари ҳисобланади. Айни чоғда, улар ўзаро мураккаб муносабатлар билан боғлангандир.

Кенг маънода қараганда, халқаро ва миллий ҳуқуқларнинг ҳаракат соҳалари бир-бирига жуда яқин бўлиб, у тегишли ҳуқуқ субъектларининг ўзаро ҳаракати жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Амалий жиҳатдан ёндашганда, халқаро ва миллий ҳуқуқларнинг ҳаракат соҳаси қанчалик ўзаро яқин бўлмасин, улар турличадир.

Биринчидан, халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида – давлатлар, миллий ҳуқуқ субъектлари сифатида эса, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, ушбу давлатларнинг органлари намоён бўлади.

Иккинчидан, тартибга солиш объекти халқаро ҳуқуқда – халқаро (давлатлараро) муносабатлар, миллий ҳуқуқда эса, мамлакат ичкарисидаги ижтимоий муносабатлар киради.

Учинчидан, халқаро ҳуқуқда норматив манбаларни давлатлар битим асосида яратади, миллий ҳуқуқ манбаларини эса, қонунлар ҳамда давлатнинг олий ҳокимият ва бошқарув органларининг қонуности ҳужжатлари ташкил этади.

Тўртинчидан, миллий ҳуқуқ нормаларига риоя этишни алоҳида давлат мажбурлов аппарати таъмин этгани ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилишни таъминлаш алоҳида ёки жамоа тарзида мажбурловни қўллаш йўли билан рўёбга чиқарилади, бунда мажбурловни қўллаш доираси ва шакллари махсус принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган бўлади.

Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш принципига мувофиқ, ҳар қандай давлат ўз ҳокимиятини амалга оширишда, жумладан, қонунлар ва маъмурий қоидаларни ўрнатишда ўз зиммасидаги халқаро мажбуриятларни мувофиқлаштириб олади. Шу билан бир қаторда, давлатларнинг суверен тенглиги принципи ҳар бир давлатга ўз миллий ҳуқуқий тизимини ўзи танлаши, шунинг баробарида, ўз ички давлат ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро муносабатлари тартибини белгилаши учун имкон беради.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги принципига амал қилиш тинчликни таъминлаш ва давлатлар ўртасида бир меъёрдаги ҳамкорликни амалга ошириш борасида кафолат ҳисобланиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Кўпчилик мамлакатларнинг Конституциялари халқаро ҳуқуқ нормаларнинг миллий қонунчиликдан устунлигини тан олади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши акс эттирилган.

Ташқи сиёсат тушунчаси давлатнинг халқаро муносабатдаги умумий йўналишини қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциянинг 17-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра: **«Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.**

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош мақсади – давлат суверенитетини ҳимоя килиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш учун халқаро замин яратиш, тенгликни ва сиёсий барқарорликни, халқаро, минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликдан иборат.

Халқаро ҳаётда ҳамкорликнинг ривожланиши давлатлар ички ва ташқи сиёсатининг ўзаро муносабатларига тобора чуқур таъсир кўрсатмоқда. Натижада ички давлат ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро таъсири кучаймоқда. Тарихий тараққиёт мобайнида давлатларнинг ички ҳаётига бўлган таъсир чуқурлашиб бораётган халқаро муносабатларнинг мавқеи ўсди. Демак, халқаро ҳуқуқнинг ички ҳуқуққа таъсири кучаймоқда. Халқаро ҳамкорликнинг, айниқса, иқтисодий соҳада чуқурлашуви шу ҳамкорлик билан боғлиқ ҳолда ички соҳаларни муайян даражада унификациялаш, яъни бир хиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса халқаро шартномалар ёрдами билан амалга оширилмоқда.

Халқаро ҳуқуқда ички ҳуқуқ билан ўзаро муносабатлар асослари халқаро ҳуқуқий тамойиллар билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларга зид қонун ёки маъмурий қоида қабул қилинган тақдирда, давлатнинг халқаро жавобгарлиги масаласи келиб чиқиши мумкин. Кўпинча шундай қонуннинг ўзигина эмас, балки амалга оширилиши халқаро ҳуқуқнинг бузилиши сифатида қараб чиқилади ва давлатларнинг жавобгарлигини келтириб чиқаради. Давлат халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзи томонидан бажарилмаганлигини оқлаш мақсадида ўз ички ҳуқуқ қоидаларига асослана олмайди.

Халқаро ва ички мувофиқликнинг конкрет масалаларини қараб чиқиш халқаро ҳуқуқий нормалар характерига боғлиқдир. Уларнинг кўпчилиги ички давлат имплементациясига мутлақо эҳтиёж сезмайди. Зеро, улар халқаро муносабатлардагина ҳаракат қилиш учун мўлжалланган. Шулар қаторига, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва сиёсий тусдаги шартномалар, хусусан, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар киради.

Бошқа халқаро нормалар уларни ички ҳуқуқда қўшиш йўли билан амалга ошириш учун мўлжаллаган. Ўз-ўзидан бажарилувчи нормалар учун улар давлатлар томонидан қабул қилинганидан кейин ички муносабатларни, агар миллий ҳуқуқ бунга йўл қўйган тақдирда, бевосита нормалаштириш даражасида ифодаланади. Ўз-ўзидан бажарилиши мумкин бўлмаган нормалар ўз мазмунига кўра, ички давлат ҳуқуқий актида нашр этиш зарур бўлган нормалардир.

Халқаро ҳуқуқда ифодаланган қоидалар ички муносабатларга таъсир кўрсатиш учун ички ҳуқуқда ўз ифодасини топмоғи лозим. Бу жараён кўпчилик ҳолатларда трансформация деб номланиб, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг ички давлат нормаларига айланишини билдиради. Аслини олганда, гап бир нормани ички нормага айлантириш тўғрисида эмас, балки бошқа ижтимоий ва ҳуқуқий муҳитда амал қилишга даъват этилган янги нормаларни яратиш тўғрисида бормоқда.

Трансформация ўзида имплементациянинг муҳим воситасини гавдалантиради. Унинг ёрдами билан халқаро ҳуқуқ йўл-йўриқлари тамойили жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий-сиёсий тузумлар шароитида амалга оширилади. Ички ҳуқуқ нормаларининг халқаро шартномалар қоидалари билан тез-тез содир бўлиб турадиган коллизияси жиддий амалий аҳамиятга эга.

Халқаро ҳуқуқни амалга ошириш учун тузилган ички нормалар шу давлат ҳуқуқи тизимига кириб, унинг синфий моҳиятини белгилайди. Тегишли процессуал шаклларда амалга оширилади. Шунга қарамай бу тоифадаги нормаларда ўзига хос хусусиятлар йўқ эмас. Улар алоҳида тартибда яратилади. Агар қонун белгиланган бўлса, ички ҳуқуқнинг бошқа нормалари олдида афзаликка эга бўлади. Бу нормалар ўзи ҳаракатда бўлган бутун давр мобайнида халқаро шартномалар билан алоқадорлигича қолади. Уларни мана шу шартномаларнинг қоидалари ҳисобга олинган ҳолда қўллаш ва тушунтириб бериш зарур.

Миллий қонунчиликнинг ривожланишида халқаро ҳуқуқ аҳамиятининг яна бир томони – бу халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдир. Халқаро ташкилотларнинг давлатлар ҳамкорлигини йўлга қўйишдаги ролининг кучайиши мамлакатларнинг ички ҳуқуқлари ўртасида ўзаро таъсирнинг чуқурлашувига олиб келади. Ташкилотларнинг қарорлари ички ҳуқуқни ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида ички ҳуқуқ халқаро ташкилотлар қарорларини амалга оширишнинг тобора муҳим воситасига айланмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинадиган резолюциялар юридик жиҳатдан давлатлар учун мажбурий эмас, бироқ уларнинг айримлари ички давлат ҳуқуқига, ҳатто конституциявий ҳуқуққа ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Бунинг яққол намунаси сифатида 1948 йили қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини тилга олиш кифоя. Кўпгина мамлакатларнинг конституцияларида мана шу Декларацияга тўғридан-тўғри асосланиш кўзга ташланади. Кўпинча конституцияларнинг инсон ҳуқуқига бағишланган бўлимлари Декларациянинг асосий қоидаларини ифодалайди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг асосий қоидалари асосида қабул қилинган.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз ваколати доирасида давлатлар учун юридик мажбурият юклайдиган қарорлар қабул қилади. Агар бу қарорларни амалга ошириш учун ички давлат нормалари чиқариш зарурати туғилса, бундай норма чиқарилиши ҳамда бундай давлатлар ўз ҳокимияти остида бўлган барча кишилар ва ташкилотлар бу нормаларни бажаришларини таъминлашга мажбур. Мазкур нормаларни асоссиз равишда бекор қилиш Хавфсизлик Кенгаши қарорларини бузиш ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ ва давлат ички ҳаётига таъсири ҳозирги кунда кучаймоқда. Шу боис халқаро ҳуқуқни билиш нафақат халқаро муносабатлар билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар, балки жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида, тадбиркорликда йўл топиш, оддий фуқаролар, сайёҳлар учун ҳам аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Халқаро ҳуқуқ нормалари аста-секин миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисмига айланиб бораяптики, унинг асосларини билиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини мамлакат ичида ҳимоя қилишлари учун зарурдир.

Алимжан МАТЧАНОВ,
ИИВ Академияси
кафедра бошлиғи,
подполковник.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Давр талабидан келиб чиқиб

Маълумки, жамиятни демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кунидаги қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим олтита устувор вазифаси белгилаб берилган эди.

Унда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишида инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилганди. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилганди.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг туб моҳияти инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қонунда ва амалда таъминлаш ҳамда бунинг кафолатларини яратишдан иборат бўлди. Зеро, Асосий қонунимизнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги тўғрисидаги қоида билан бошлангани ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишни – мамлакат ижтимоий ривожланиши ва давлат қурилиши, шунингдек, ички ва ташқи сиёсатининг энг асосий йўналиши этиб белгилаган.

2003 йилда Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференциясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш масалаларига жиддий эътибор қаратилган эди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ўн йиллиги (1995–2004) доирасидаги тавсияларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2009 йил БМТ томонидан «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Халқаро таълим йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан юртимизнинг барча таълим муассасаларида «Инсон ҳуқуқлари» ўқув курси жорий қилинди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни амалга ошириш ва такомиллаштириш борасида мамлакатимизда яна бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ва Президентимиз томонидан 2001 йил 4 январда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши яққол мисолдир.

Ички ишлар идораларида ҳам шахсий таркибга инсон ҳуқуқлари бўйича зарурий билимларни бериш ва ушбу соҳада ўқитиш масаласига долзарб ва муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташаббуси билан 2010–2011 йиллар ва 2012–2013 йилларга мўлжалланган ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш дастури қабул қилинди. Унинг асосида барча ички ишлар органларида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий стандартлар, ушбу соҳада иш олиб борувчи халқаро ташкилотларнинг фаолиятига оид машғулотлар ташкил этилди.

Бу йўналишда ишларнинг мантиқий давоми сифатида ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўқитиш юзасидан республика ички ишлар идоралари ходимларини 2014–2015 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенция, пакт, битимлар ҳамда бу соҳадаги Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликлар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлари асосида ўқитиш Дастури Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланиб, барча ички ишлар органларига юборилганини айтиб ўтиш мумкин.

Ушбу Дастурда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

– инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича мавжуд халқаро конвенциялар, пактлар, битимлар билан ички ишлар органлари ходимларининг танишишини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича ўқув қўлланмалари, плакат, буклетлар, баннерлар тайёрлаш;

– ИИВ таълим муассасаларида, шунингдек барча ички ишлар органларида ўтиладиган маърифат ва сиёсий ўқиш ҳамда хизмат ва жанговар тайёргарлик дарсларида инсон ҳуқуқлари йўналиши бўйича қўшимча ўқитиш ишлари ўтказилишини ташкиллаштириш;

– инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ходимларнинг тайёргарлик даражаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясини ошириб бориш ва ушбу йўналишда ўқитиш ишларини ташкил қилиш;

– ИИВнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан тузилган битим ва меморандумлар асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар вакилларини таклиф этган ҳолда конференция, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказишни йўлга қўйиш;

– ички ишлар органларида фаолият юритаётган кутубхоналарни доимий равишда янги адабиётлар, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий адабиётлар билан тўлдириб бориш;

– «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни назарий асослари ва амалий аҳамияти», «Ички ишлар органлари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари бўйича фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби» каби мавзуларда машғулотлар ташкил этиш.

Мазкур ўқитиш Дастури асосида тайёрланган, инсон ҳуқуқларининг мазмун-моҳияти ҳамда ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимиз талаблари ёритилган 20 дан ортиқ энг долзарб мавзулар бўйича намунавий маърузалар ички ишлар органларида ўтказиладиган «Маърифат ва сиёсий ўқиш» ҳамда «Хизмат тайёргарлиги» дарсларида ўрганилиб келинмоқда. ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан тайёрланган инсон ҳуқуқларига оид 200 дан ортиқ тест саволлари асосида шахсий таркибнинг мазкур соҳадаги ҳуқуқий билимлари текширилиб, баҳоланаяпти.

Халқаро ҳамкорлик доирасида сўнгги йиллар мобайнида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастури ва Халқаро Қизил хоч қўмитасининг минтақавий ваколатхоналари, Европа Иттифоқи каби халқаро ташкилотлар кўмагида ички ишлар органлари ходимлари учун инсон ҳуқуқларига оид мавзуларда семинар-тренинглар ташкил қилинди.

Ички ишлар органларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада яхшилаш ишларининг сифатини ошириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфидаги таълим муассасаларида, жумладан, ИИВ Академиясида, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида, ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Олмалиқ шаҳарларидаги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида фанлар киритилиб, ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Ўқитиш дастурининг ижросини самарали таъминлаш мақсадида дарс мавзуларининг мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Конституция ва қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларида белгиланган устувор вазифалар асосида белгилаб берилган. Бундан ташқари, республикамизнинг марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминланиш борасида амалга оширилган ижобий ишлар кенг ёритиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ички ишлар идоралари ходимларига инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш борасида таълим бериш муҳим йўналиш ҳисобланиб, бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда ўзаро ҳамкорликни янада юқори савияга кўтариш ҳамда самарали ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келаётганлиги ижобий ҳол, албатта.

Абдумалик КАРИМОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси юрисконсульти, лейтенант.

Саломатлик сабоқлари

СУВЧЕЧАК – ЎТКИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

У асосан, болаларда кўпроқ учрайди. Бироқ сўнгги йилларда ўрта ёшдаги кишиларда ҳам унинг учраётгани кузатилмоқда.

Сувчечак – инсон танасида тошмалар тошиши билан ифодаланувчи, фильтрланувчи вирус томонидан қўзғатиладиган бошқарилмайдиган инфекциялар гуруҳига кирувчи (яъни ушбу касалликка қарши вакцинанинг ёки алоҳида даво чораларининг мавжуд эмаслиги) ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. Касалликни қўзғатувчи вирус ҳисобланиб, у ташқи муҳит омилларига ҳамда дезинфекцион воситалар таъсирига чидамсиз бўлади. Вирус инсон организмига нафас йўллари орқали тушиб, шиллиқ қаватда кўпаяди ва қонга ўтади ҳамда теридаги пуфакчалар суюқлигида сақланади.

Эпидемиологияси. Касалликда унинг манбаи бемор одам ҳисобланади. Касаллик бемордан ҳаво-томчи йўли орқали атрофдагиларга юқади: юқумлилик даври ўртача 7-8 кунни ташкил этади. Қайсики, беморда иситмалаш бошлангандан токи терида пўстлоқ пайдо бўлиб, тушиб кетгунга қадар бўлган давр ҳисобланади. Касаллик катталарга нисбатан ёш болаларда, қишлоқларга нисбатан шаҳарда кўпроқ учрайди. У йил давомида учраса-да, қиш мавсумида кўпроқ қайд этилади.

Яширин даври 14-17 кунни ташкил қилади. Сувчечак ҳароратнинг 38-39 градусгача кўтарилиши билан ўткир бошланади. Касалликда дастлаб, тананинг барча қисмида қизил ёки пушти ранг тошмалар пайдо бўлади. Сўнгра ушбу тошмалар пуфакчага айланиб, ичига тиниқ суюқлик йиғилади. Ушбу пуфакчалар везикула деб аталади. Уларнинг катталиги ҳар хил бўлиб, пайпаслаб кўрилганда юмшоқ туби қаттиқлашмаган бўлади. 1-2 кундан сўнг ушбу пуфакчалар қуриб пўстлоқ пайдо бўлади. Сўнг терида қичишиш кузатилади. Ушбу пайтда терини қашлаш оқибатида иккиламчи инфекция таъсирида йирингли яралар пайдо бўлади. Сувчечак касаллигини бошқа юқумли касалликлар билан клиник қиёсий диагностика қилинганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Аввал везикулалар катталигининг ҳар хиллигига, тошмаларни бирданига тананинг барча қисмларига тошиши, шунга қарамасдан, тошмалар тугамаслигига, яъни 6-8 кун давомида тошмаларнинг янгидан пайдо бўлишига. Ушбу даврда терида бир вақтнинг ўзида разеола, везикула ҳамда пўстлоқни кўришимиз мумкин.

Даволаш усуллари. касалликни махсус даволаш усуллари йўқ. Ушбу касалликда асосий эътибор иккиламчи инфекциянинг олдини олишга қаратилади. Тошма тошиш даврида, айниқса иситмаси бор даврда болани ётқизиб қўйиш лозим. Унга ишлатиладиган кўрпа-ёстиқ, чойшаблар ва ич кийим тоза бўлиши, қўлни тез-тез совунлаб ювиш зарур. Бадандаги тошмаларга кастельяни бўёғи ёки бриллиант кўки суриб турилади. Оғир шиллиқ қавати водород периксида ёки 2 фоизли борат кислотаси эритмасида чайилади. Иккиламчи инфекция қўшилганда антибиотиклар тайинланади.

Профилактикаси. Сувчечак билан оғриган бемор уйда ёки шифохонада алоҳидаланади ва 21 кун чекловчи чоралар белгиланади. Бемор билан мулоқот қилганлар шифокор назоратида бўлади ва кунига икки маротаба ҳарорати ўлчаниб, терида тошмалар борйўқлиги кузатиб борилади. Хоналарни зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида кунига уч маротаба намли тозаланади ва тез-тез шамоллатиб турилади. Бундан ташқари, хоналарда уларнинг ҳажмига қараб 20-30 дақиқа давомида кварцлаш ишлари ўтказилади ҳамда махсус журналларга қайд қилинади. Албатта, шахсий гигиенага эътибор берилади, яъни қўлларни тез-тез совунлаб ювиш, тирноқларни олиш, ич кийим ва чойшабларни алмаштириб туриш талаб этилади.

Сирожиддин ЛУТПИЛЛАЕВ,
ИИВ СЭНБМ
эпидемиолог-шифокори,
катта лейтенант.

Хориж тажрибаси

КАНАДА ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

Канада давлатида уч даражадаги полиция тузилмалари мавжуд. Булар муниципал (маҳаллий), провинциал ва федерал полициялардир. Кўпгина шаҳарлар ўз полициясига эга. Онтарио, Квебек ва Ньюфаундленд провинциялари Канада қироллик отлиқ полициясининг (ККОП) хизматидан воз кечишган. Улар ўз провинциал полициясига эга.

Кичик муниципалитетлар полиция хизмати кўрсатилиши бўйича одатда провинциал полициялар билан шартнома тузишади. Йирик муниципалитетлар эса ўз полициясига эга бўлишади. Ньюфаундленд провинциал полицияси ходимлари фақат йирик шаҳарлар ҳудудларида ҳуқуқ-тартибот таъминланишига жавоб беришади. Бошқа ҳудудларда эса ККОП ходимлари патруллик қилишади. Фақат ана шу отлиқ полициягина баъзи туманларда ҳар учала даражада фаолият кўрсатади.

Мамлакатда бир қанча хусусий полиция бўлинмалари ҳам бор, аммо баъзи ваколатлар фақат давлат полицияларигагина берилади. Канада миллий темир йўли ҳамда Канада Тинч океан темир йўли компаниялари ўз полиция бўлинмаларига эга. Умуман олганда, мамлакатдаги ҳар қандай темир йўл компанияси ўзининг полиция бўлинмасини туза олади. Шунингдек, баъзи хусусий шифохоналар, университетлар, қисман давлат ташкилотлари, жумладан йўловчи транспорти комиссияси, энергетика бошқармаси ва шу кабилар ҳам махсус хусусий полицияни ёллаши мумкин.

Қуйидагилар хусусий темир йўл полицияси вазифаларига киради:

компанияга қарши жиноятларнинг олдини олиш;

товарлар, хом ашёни қўриқлаш ва темир йўл тармоғи бўйлаб ҳаракатланадиган жамоат транспортини ҳимоя қилиш;

темир йўл компаниялари ходимларини ҳимоя қилиш ва мол-мулкини қўриқлаш.

Одатдаги давлат полицияси қаерда содир этилганидан қатъи назар, ҳар қандай жиноятни фош этиш бўйича чоратадбирлар кўришга ваколатли. Маҳаллий полиция бошлиғи қонунга ва тегишли низомлар қоидаларига кўра ўзи бошчилик қилаётган шахсий таркиб хизмат ўтайдиган ҳудудда ҳуқуқ-тартибот таъминланиши учун жавоб беради.

Барча солиқ тўловчилар, компаниялар ва фуқаролар давлат полициясига мурожаат этиш, унинг хизматидан фойдаланиш борасида тенг ҳуқуққа эга. Кўплаб компаниялар ва турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар давлат полицияси фаолиятини самарали деб ҳисоблашади. Шунинг учун унинг хизматидан фойдаланиб, хусусий полицияни ёлламай муайян миқдордаги маблағларини тежашади. Бу маблағларни эса ўз фаолиятларининг зарур, муҳим йўналишларини ривожлантиришга сарфлашади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Умид

Ҳаёт сўқмоқларида

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Хонада яна ёлғиз қолган Умиджон ўзини гўё болалиги билан гаплашгандек ҳис этар, бу суҳбатдан қалби анчайин таскин топиб, бола билан яна гаплашгиси, негадир унга ўзининг ҳаётини гапириб бергиси келарди. Нимқоронғи хонадаги оғир сукунатни телефоннинг жиринглаши бузди.

– Умаржоннинг иситмаси кўтарилиб кетди, уяли телефонингизга негадир тушолмадим.

Умиджоннинг бир ёшга тўлган ўғли шамоллаб, кечадан бери иситмалаб ётарди. Шифокор ёзиб берган дориларни олиб бергач, хотинига «бирор гап бўлса қўнғироқ қилгин» деб келганди. У мактабдаги йиғилишда ўчириб қўйган телефонини ҳали ҳам ёқмаганини эслади.

– Мажлисда эдим, яқинда тамом бўлди. Тез ёрдам чақир, мен ҳам ҳозир етиб бораман, – деди.

Хаёллари билан бўлиб, вақт ўтганини ҳам сезмабди. Атрофга аллақачон қоронғилик тушиб қолганди. Эшикни қулфлаб энди кетишга чоғланган эди, маҳалладаги Йўлдошбой ота келиб қолди.

– Умиджон, ўғлим, тез бормасангиз бўлмайди. Ўғлим яна ичиб олиб жанжал кўтаряпти. Қўлида пичоқ билан ҳали хотинига, ҳали онасига ташланади.

– Шунча гаплар таъсир қилмабди-да, – деди инспектор ўзига ўзи гапиргандек.

Йўлдошбой отанинг ўғли ичкиликка муккасидан кетган, бир неча марта жанжал кўтарганда Умиджон уни тартибга чақирган эди. Милиция таянч пунктига олиб келиб суҳбатлашди, маҳалла фаоллари ўртасида муҳокама қилди. Энди спиртли ичимлик ичмайман деб тушунтириш хати ёзиб бергандан кейин бир неча кун яхши юрди. Бугун эса яна шу аҳвол.

Умиджон йўл-йўлакай қўнғироқ қилиб, маҳалла посбонини чақирди. Чолнинг уйига яқин қолганда одамларнинг шовқини эшитила бошлади. Ўткирнинг маст ҳолда бутун маҳаллани бошига кўтариб бақириши ҳаммани безовта қилганди. Бир зумда посбон ҳам етиб келди. Биргалашиб йигитни ички ишлар бўлимига олиб боришди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, бўлим бошлиғининг рухсати олингач, йигит тонггача шу ерда қоладиган бўлди.

Умиджон уйига келганда тун ярмидан ўтган эди. Ўғлининг бошида мижжа қоқмай ўтирган хотинини кўриб унга раҳми келди.

– Яхшими?

– Анча яхши, укол қилиб кетишди, ҳозир ухлаяпти.

У пишиллаб ухлаётган ўғлининг юзига термулиб ўтирар экан, кун давомидаги ташвишлар, чарчоқларини ҳам бир лаҳза унутди. Отасининг овозини эшитиб уйғонган беш ёшли қизи ҳали уйқу ҳукми тўла тарк этмаган кўзларини жажжи қўллари билан ишқалаганча келиб, Умиджоннинг тиззасига ўтирди. Умиджон кун бўйи иш билан бўлиб, тушлик ҳам қилмаган, ҳатто кечки овқатни ҳам емаган, қорни жуда оч эди. Хотини дастурхон ёзиб, таом олиб келди. Бироқ шу лаҳзада унинг очлиги ҳам ёдидан кўтарилиб, қизини эркалаш билан банд эди.

– Дада, ойим сизга боғча опамнинг гапини айтдими? – деди бидирлаб қизалоқ.

– Эътибор берманг бу маҳмадонага, – дея эрини чалғитишга уринди Моҳира. – Фарзона, бор жойингга ёт, даданг чарчаган, дам олиши керак.

– Майли, қўявер, — деди у хотинига. Кейин қизига юзланди: — Асал қизим, қани гапирчи, нима деди боғча опанг.

– У ойимдан «қизингизнинг отаси борми», деб сўради.

– Ҳар куни боғчага ўзим олиб бориб, олиб келганим учун ҳазиллашиб сўради, – дея изоҳ берди Моҳира.

Ҳазиломуз бўлиб ўтган бу суҳбат Умиджонни бир зумда жиддий қилиб қўйди.

– Уни эртага боғчага ўзим олиб бораман...

Фарзонани қўлидан етаклаб келган хизмат кийимидаги ходимни кўриб боғча опа ҳайрон бўлди.

– Бу қизнинг отаси менман, кўриб қўйинг, – деди Умиджон кулиб.

– Вой, мен ҳазиллашгандим, – деди меҳрибон боғча опа уялиб ва қизчани етаклаб ичкарига олиб кириш асносида худди айбдор одамдек қайта-қайта узр сўради.

Кунни хуш кайфият билан бошлаган инспектор бўлимга қайтиб, Ўткирнинг иши билан шуғулланди. Унга керакли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, суд қарори билан мажбурий даволанишга жойлаштирилди. Бошлиқдан топшириқларни олиб, хизмат ҳудудига қайтгач, биринчи навбатда Сардорнинг уйига йўл олди. Бу вақтда Сардор мактабдалигидан фойдаланиб, унинг онаси билан баъзи нарсаларни гаплашиб олмоқчи эди.

– Тўғрисини айтсам, Умиджон, шу битта сигирни ўзим ҳам эплайман. Бир боғ ҳашак билан бир челак сув берса кечгача ётаверади жонивор. Боламнинг кураш тўгарагига боришига рухсат бермаганимнинг боиси ўзи шундоғам жуда уришқоқ. Яна курашга борса бошимга бало бўладими деб қўрқаман. Бошқа тўгаракларга боргин десам, ўжарлик қилиб бошқаси керакмас дейди.

– Опажон, энди буёғини менга қўйиб беринг. У билан ўзим гаплашаман. Ҳеч ким билан уришмайди. Фақат сиз унга рухсат беринг.

– Майли, Умиджон, нима ҳам дердим, сизга ишонамиз. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмагансиз, ҳолимиздан хабар олиб турибсиз, катта раҳмат. Энди бу болани ҳам тарбиялашда ёрдам берсангиз кўп савоб иш бўларди. Ёлғизим ёмонларга қўшилиб қолмасин дейман.

Умиджон хайрлашиб чиқар экан, аёлга пул узатди.

– Олмасангиз хафа бўламан, опажон. Сардорбекка янги этик олиб беринг. Яна бирор гап бўлса менга қўнғироқ қиларсиз, — у шундай дея ён дафтарчасидан бир парча қоғоз олиб, унга уяли телефонининг рақамини ёзиб берди. Аёлнинг қаршилигига қарамай пулларни хонтахта чеккасига қўйиб кўчага отланди.

Бу ҳолатдан бироз хижолат бўлган она кўзларида жиққа ёш билан дуо қила бошлади:

– Илоё барака топинг, укам! Халқимизнинг, оилангизнинг бахтига доимо бошингиз омон бўлсин. Сизга ўхшаган оққўнгил инсонлар кўпаяверсин...

Милиция таянч пунктида уни «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Обид Усмонов кутиб турарди.

– Умид ака, Сайфиевнинг жойини аниқладим. Маҳалладагиларнинг айтишича, кечқурун гаражнинг ўрасига келиб ётган экан. Эрталаб, кун ёришмасдан кўчага чиқсам, бир киши сойга қараб кетяпти, менимча ўша. Сой бўйидаги жарликда, ўпқондан ҳосил бўлган ғор бор. Кундузлари ўша ерда яширинянти деб ўйлайман.

Сайфиев дегани бир қанча жиноятлар содир этиб, қамалиб чиққан, тавбасига таянмаганлардан бири. Бир куни кечқурун кўча санғиб юрганида нотаниш йигитни учратади. Унинг йўлини тўсиб, пул талаб қила бошлайди. Орада жанжал чиқиб, Сайфиев унга пичоқ санчади. Воқеа содир бўлган жойга яқин хонадонлардан бирининг соҳиби шовқинни эшитиб ташқарига чиққан. Жиноятчи уни кўриб, жуфтакни ростлаган. Аммо гувоҳ қочиб кетаётган кимсани кўча чироғининг ёруғида таниб қолган. Шундан бери талончи домдараксиз эди.

– Агар ҳозир бўлимга хабар берсак, тезкор гуруҳ етиб келганда у айтаётган жойингизда йўқ бўлиши ҳам мумкин. Уларни овора қилишдан олдин аниқлик киритиб олишимиз керак, – деди Умиджон.

Улар икковлашиб сой томонга йўл олишди. Ер лой бўлгани учун юриш анча мушкул, Умиджоннинг ҳам, Обиднинг ҳам оёқ кийими, шимлари тиззасигача лой бўлиб кетди. Йўлдаги излар ҳам тўппа-тўғри ғор томонга олиб борарди. Йигитлар манзилга яқинлашиб қолганда Сайфиев ғордан чиқиб қоча бошлади. Осойишталик посбонлари лойда жиноятчининг ортидан югуришга қийналар, бироқ қочоқнинг ҳам югуриши уларникидан қолишмасди. Орадаги масофа қисқариб қолгач, Сайфиев бирдан тўхтади-ю, ортига ўгирилмай ҳансираб тураверди. Унинг бирор шумлик кўзлаётганини сезган инспектор эҳтиёткорлик билан яқинлаша бошлади. Шу пайт жиноятчи ёнидан пичоқ чиқариб, унга ташланди. Инспектор чақконлик билан унинг қўлини қайтариб, ерга йиқитди. Қўлини орқасига қилиб, кишан такди...

Сардор тез кунда тўгаракнинг энг фаол аъзосига айланди. Умиджон ҳар гал у билан суҳбатлашганда юртимиз довруғини дунёга танитаётган спортчилар ҳақида гапирар, курашни фақат яхшилик йўлида ишлатиш лозимлигини уқтириб борарди. Ўзи болалигида тоғаси билан бўлган баҳс-мунозараларни эслаб, уни Сардор билан давом эттириб борарди. Орадан бир неча ой ўтиб, Сардор синфда ҳам энг намунали ўқувчилардан бири бўлди. Шунингдек, мамлакатимиздаги нуфузли мусобақаларда қатнашиб юқори натижалар кўрсата бошлади. Онаси ва ўқитувчилари ундаги ўзгаришлар учун профилактика инспекторига раҳмат айтишарди.

Маҳаллада иш кўплигидан Умиджон ўтган йили хизмат таътилига чиқмаган эди. Бу йил таътилда она қишлоғига боришни, қариндошларини, қолаверса, ота-онасининг қабрини зиёрат қилишни режалаштирди. Сардор билан охирги марта гаплашганида у мусобақага тайёрланаяпман, деганди. Яна бир бор кўришиб, унга омад тилади. Таътил гувоҳномасини олгач, хотини ва болалари билан қишлоғига жўнаб кетди.

Кўчалар анча ўзгарган, бир пайтлар машина ўтиб қолса, чанг-тўзон кўтариладиган, ёғингарчиликдан кейин юриб бўлмас даражада лойга айланадиган йўлларга бугун теп-текис асфальт ётқизилганди. У болалиги ўтган маҳаллага кириб келар экан, ширин энтикиб қўйди. Биринчи бўлиб тоғасининг уйига боришни, у билан мириқиб суҳбатлашишни ўйлади. Тоғаси оддий ҳайдовчи бўлса-да, зиёли киши эди. Шу боис Умиджон билан ҳар гал суҳбати гоҳ тарих, гоҳ адабиёт, баъзида дунё янгиликлари хусусида бўларди. Умиджоннинг нега институтда ўқимагансиз деган саволига эса «шароитим бўлмаган» деб жавоб берарди.

– Синфдошинг Элмурод қамалиб қолди, – деди тоғаси суҳбат асносида.

– Нега, нима жиноят қилди?

– Аниқ билмадим-у, маҳалладагиларнинг айтишича, тўйига бир ҳафта қолган бир қизнинг номусига текканмиш. Қиз шўрлик бунга чидолмай ўзига ўт қўйибди.

Умиджон хомуш тортиб қолди. У синфдошининг қамалганига эмас, тўйига бир неча кун қолган қизнинг аҳволини, ота-онасининг изтиробларини кўз олдига келтириб эзиларди.

Турли-туман меҳмондорчилик, келди-кетдилар билан таътил ҳам ўтиб борарди. Умиджон дўкондан қайтаётганда маҳалла гузарида гурунг қилиб ўтирган кексаларни кўрди. Улар орасида бир пайтлар унинг отаси билан қадрдон дўст бўлган ҳамқишлоқлари, оқ-қорани танитган ўқитувчилари бор эди. Бир пайтлар салобатли қорин қўйиб, икки юзи жайдари хўрознинг тожидай қип-қизил бўлиб юрадиган, энди эса ранги сарғайиб, юзларини ажин босган кишини бир кўришдаёқ таниди. У синфдоши Элмуроднинг отаси Комилбой эди. Йигит ота қадрдонлари билан суҳбатлашгиси, улардан дуо олгиси, шунингдек, синфдошининг отасидан ҳам бир кўнгил сўраб қўйгиси келиб, ўша томонга бурилди.

– Умиджонмисан, – деди бир қария салом-аликдан сўнг. – Кўринмай қолдинг, нима иш қиляпсан?

– Ички ишлар идорасида хизмат қиляпман.

– Баракалла, отанг раҳматли эл-юртга нафи тегадиган инсон эди, – деди бошқаси. – Сен ҳам унга ўхшабсан, илоё умринг ўхшамасин.

– Бу болани ўзим ўқитганманда, – деди Ҳикмат муаллим гапга қўшилиб. – Болалигида ҳам жуда тиришқоқ эди.

– Олманинг тагига олма тушади, деганлари шу-да, яхши одамнинг боласи яхши одам бўлибди.

Умиджон жимгина ўтирган Комилбойга юзланди:

– Элмурод дўстимнинг бошига кулфат тушибди деб эшитдим. Аҳволи қалай? Хабар олиб турибсизларми?

Фарзанд тарбиялашда адашгани учун ич-ичидан эзилиб ўтирган бу кимсага Умиджоннинг гаплари «энди қалайсан, баттар бўл, сенга бу ҳам кам» дегандек туюлди. Бор-будини қиморда ютқазган бўлса-да, ҳамон кибрдан тушмаган Комилбой сир бой бергиси келмади.

– Ўғлим ҳақиқий эркакнинг ишини қилди! Юрадими сенларга ўхшаб судралиб. Қамоқни ҳам эркакка чиқарган, сен ҳам юрибсан-да йигитман деб. Ота ўғил мана шунақа бўлади.

Умиджон унинг юзига тикилганча сўзсиз қотиб қолди...

Шу суҳбат таъсирида Умиджон кун бўйи тушкун ҳолда юрди. Тунд кайфиятда ўтирар экан, уяли телефони жиринглай бошлади. Умиджон нотаниш рақамни кўргач, аввалига жавоб бергиси келмади. Қайта қўнғироқ бўлгач, зарур бир масалададир деган ўйда тугмачани босди.

– Умиджон, Сардор.., Сардорбегим...

Қўнғироқ қилаётган аёл шундай дерди-ю, фақат йиғлар, ўпкаси тўлиб гапиролмасди. Умиджон Сардорнинг онасини дарров таниди.

– Нима гап, опажон, тинчликми? – инспекторнинг хавотири орта бошлади.

– Телевизорда... Сардор... кўринг..!

Унинг узуқ-юлуқ гапларидан нима демоқчилигини тушунган Умиджон шошилиб телевизорни ёқди. Кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати эндигина якунланган, ғолиблик шоҳсупасида эса Сардор турарди. У шарҳловчининг «ҳамюртимиз Сардор Аъзамов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди», деган сўзларини эшитди-ю, қувончдан қичқириб юборди...

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ, сержант.

XXIV СПАРТАКИАДА БОШЛАНДИ

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки улар зиммаларидаги хизмат вазифаларини талаб даражасида бажаришлари учун соғлом, жисмонан бақувват, чаққон ва эпчил бўлишлари лозим. Шу сабабдан ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўртасида жисмоний тайёргарлик машғулотлари билан бир қаторда турли спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб турилади. Бундан кўзланган мақсад, уларда мусобақалашув руҳини ва жамоа бўлиб ишлаш, ўзаро ёрдам кўникмаларини кучайтиришдан иборат. Ушбу сифатлар эса касбий фаолиятларида жуда асқотади.

Шу ўринда ҳар йили «Динамо» ЖТСЖ жисмоний тарбия жамоалари ўртасида Спартакиада дастури доирасида спорт тадбирлари ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Касбий тайёргарлик марказида 2014 йилда бўлиб ўтган XXIII Спартакиада мусобақаларининг якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2015 йилги XXIV Спартакиадага старт берилди.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоаларининг вакиллари қатнашган ушбу тадбирда Ўзбекистон «Динамо» ЖТСЖ раисининг ўринбосари, полковник Ғ. Қосимов сўзга чиқиб, спортчиларни ва уларнинг мураббийларини XXIII Спартакиада муваффақиятли якунлангани билан самимий табриклади. У, жумладан, спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, демакки маҳорати ўтган давр ичида сезиларли даражада ошганлигини мамнуният билан қайд этди.

Шундан сўнг XXIII Спартакиада натижалари эълон қилинди. Ғолиблар тантанали вазиятда тақдирланди. Якуний натижаларга кўра биринчи ўринни Ўзбекистон Республикаси МХХ, иккинчи ўринни ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси, учинчи ўринни эса ИИВ Марказий аппарати жамоалари эгаллагани маълум қилинди. Ғолиб жамоаларга кўчма кубоклар ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Гулдурос қарсаклар остида 2015 йилги XXIV Спартакиада очилгани эълон қилинди.

Анъанага кўра шу куни волейбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Дастлабки ўйинлар натижалари билан танишинг: Ўзбекистон Республикаси МХХ – ИИВ ЖИЭББ – 2:0; Тошкент шаҳар ИИББ – Тошкент вилояти ИИБ – 2:0; Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинлари – ИИВ Транспорт ИИБ – 2:0.

– Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида жисмоний тайёргарликнинг аҳамияти катта, – дейди Ўзбекистон «Динамо» ЖТСЖ ўқув-спорт бўлими бошлиғи, подполковник Б. Латипов. – Шу сабабдан навбатдаги Спартакиада қатнашчилари бўлган жамоаларнинг спортчилари ўз маҳоратларини оширишга интилишмоқда. Уларга муросасиз кечадиган қизғин баҳсларда муваффақиятлар, ёрқин ғалабалар тилаб қоламиз.

Георгий ПЕТРОСЯН.

Республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар марказида «Балли, йигитлар!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Мазкур танлов тингловчи ва курсантларнинг касбий кўникмасини, жисмоний-жанговар тайёргарлигини, билим савиясини янада оширишда асосий мезон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Тадбир беш қисмдан иборат бўлиб, унда йигитлар республика ИИВнинг меъёрий ҳужжатлари бўйича назарий саволларга жавоб бериб, саф усулларини бажариш бўйича синовлар топширишди. Қувноқ стартлар баҳсида иштирокчилар 500 метр масофага югуриш, турникда тортилиш, нишонга олиш, енгил автомашина ғилдирагини кўтарган ҳолда эллик метр масофани босиб ўтиш машқларини бажаришди.

Бундан ташқари, «Матиз» енгил автомашинасини арқон ёрдамида эллик метр масофага тортиб бориш ҳамда самбо бўйича беллашдилар.

Мусобақа қизиқарли тарзда ўтиб, кескин баҳс-мунозараларга бой бўлди: иштирокчи йигитларнинг ҳар бири муваффақиятга эришиши учун томошабинлар уларни олқишлаб туришди.

Якунга кўра, фахрли биринчи ўринни 1-курс тингловчиси, кичик сержант Х. Иброҳимов ҳамда 2-курс курсанти, сафдор Ш. Ойтугунов эгаллади. Иккинчи ўринга 1-курс тингловчиси, кичик сержант Ш. Икрамов, учинчи ўринга эса 1-курс тингловчиси, кичик сержант А. Жумақулов лойиқ кўрилди.

Ғолибларга марказ раҳбарияти томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўткирбек ОТАЕВ, майор.

Футбол

Осиё Чемпионлар лигаси–2015

Ўтаётган ҳафта юртимиз футбол мухлислари тўртта жамоамиз иштирок этаётган Осиё Чемпионлар лигасининг дастлабки гуруҳ баҳсларига гувоҳ бўлдилар. Унда «Пахтакор» ва «Насаф» ўз майдонларида ўтказган учрашувларда бир хил – 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, «Бунёдкор» сафарда дуранг (1:1) қайд этди, «Локомотив» эса мағлубиятга учради – 3:1.

1-тур
24 февраль
«A» гуруҳи
«Персеполис» 3:0 «Лаҳвия»
«Ан-Наср» 1:1 **«Бунёдкор»**
Голлар: Фабиан Эстоянофф (51) — Забиҳилло Ўринбоев (14)
«B» гуруҳи
«Пахтакор» 2:1 «Нафт Теҳрон»
Голлар: Кахи Махарадзе (48), Игорь Сергеев (85) — Али Қурбоний (59)
«Ал-Айн» 0:0 «Аш-Шабоб»
«E» гуруҳи
«Чонбук Моторс» 0:0 «Кашива Рейсол»
«Бин Дуонг» 2:3 «Шандонг Луненг»
«F» гуруҳи
«Гамба Осака» 0:2 «Гуанжоу РФ»
«Бурирам Юнайтед» 2:1 «Сеонгам»
25 февраль
«C» гуруҳи
«Фулад Хузистон» 0:0 «Ас-Садд»
«Ал-Ҳилол» 3:1 **«Локомотив»**
Голлар: Сауд Каририй (11), Юсуф ас-Салим (14), Тиагу Невес (71) — Сардор Мирзаев (39)
«D» гуруҳи
«Насаф» 2:1 «Тракторсози Табриз»
Голлар: Эдиньо (31) — Илҳом Шомуродов (46), Ҳамза Каримов (53)
«Ал-Аҳли» Дубай» 3:3 «Ал-Аҳли»
«G» гуруҳи
«Брисбен Роар» 0:1 «Пекин Гуан»
«Сувон Самсунг» 2:1 «Урава Ред»
«H» гуруҳи
«Кашима Антлерс» 1:3 «Вестерн Сидней»
«Гуанжоу Эвергранд» 1:0 «Сеул»

«A» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Персеполис»	1	1	0	0	3-0	3
2.	«Ан-Наср»	1	0	1	0	1-1	1
3.	«Бунёдкор»	1	0	1	0	1-1	1
4.	«Лаҳвия»	1	0	0	1	0-3	0

«B» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Пахтакор»	1	1	0	0	2-1	3
2.	«Ал-Айн»	1	0	1	0	0-0	1
3.	«Аш-Шабоб»	1	0	1	0	0-0	1
4.	«Нафт Теҳрон»	1	0	0	1	1-2	0

«C» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Ал-Ҳилол»	1	1	0	0	3-1	3
2.	«Ас-Садд»	1	0	1	0	0-0	1
3.	«Фулад Хузистон»	1	0	1	0	0-0	1
4.	«Локомотив»	1	0	0	1	1-3	0

«D» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Насаф»	1	1	0	0	2-1	3
2.	«Ал-Аҳли»	1	0	1	0	3-3	1
3.	«Ал-Аҳли» Д	1	0	1	0	3-3	1
4.	«Тракторсози Табриз»	1	0	0	1	1-2	0

«E» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Шандонг Луненг»	1	1	0	0	3-2	3
2.	«Кашива Рейсол»	1	0	1	0	0-0	1
3.	«Чонбук Моторс»	1	0	1	0	0-0	1
4.	«Бин Дуонг»	1	0	0	1	2-3	0

«F» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Гуанжоу РФ»	1	1	0	0	2-0	3
2.	«Бурирам Юнайтед»	1	1	0	0	2-1	3
3.	«Сеонгам»	1	0	0	1	1-2	0
4.	«Гамба Осака»	1	0	0	1	0-2	0

«G» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Сувон Самсунг»	1	1	0	0	2-1	3
2.	«Пекин Гуан»	1	1	0	0	1-0	3
3.	«Урава Ред»	1	0	0	1	1-2	0
4.	«Брисбен Роар»	1	0	0	1	0-1	0

«H» ГУРУҲИ

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Вестерн Сидней»	1	1	0	0	3-1	3
2.	«Гуанжоу Эвергранд»	1	1	0	0	1-0	3
3.	«Сеул»	1	0	0	1	0-1	0
4.	«Кашима Антлерс»	1	0	0	1	1-3	0

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИМИ?

– Корхонада 12 йилдан бери ҳисобчи бўлиб ишлайман. Ҳозир штат қисқартирилиши сабабли менга огоҳлантириш хати берилди, ваҳоланки, ишга келганига уч йил ҳам бўлмаган бошқа ҳисобчи ишда қолдирилаяпти. Шу тўғрими?

Элёр НОРМАТОВ.
Самарқанд вилояти.

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 103-моддасига биноан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;

5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инобатга олинади.

Эътибор бериш лозимки, юқорида келтирилган еттита ҳолат бўйича бериладиган афзалликларни қўллашда уларнинг кетма-кетлигига амал қилиш шарт эмас. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар сизнинг малакангиз ёки меҳнат унумдорлигингиз саволингизда қайд этилган ходимникидан пастроқ ёки камроқ бўлса, иш берувчининг ҳаракатлари қонунга зид бўлмайди.

Ҳисобчиларнинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш қийин масала, чунки улар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш вазифасини бажармайдилар. Айтайлик, корхонада вазифаларни тақсимоти бўйича сиз товар-моддий бойликларнинг ҳисобини олиб борувчи ҳисобчи бўлсангиз, иккинчи ходим эса бошқа вазифани бажарувчи ҳисобчи бўлса, сизларнинг меҳнат унумдорлигингизга деярли қиёсий баҳо бериб бўлмайди. Шунинг учун малакага баҳо бериш билан чегараланиш, агар малака кўрсаткичи тенг бўлса, афзаллик бериш учун асос бўладиган бошқа омилларга эътибор берилиши лозим бўлади.

Корхонанинг жамоа шартномасида штатлар қисқартирилишида ходимларга қонунчиликда назарда тутилгандан зиёдроқ имтиёзлар берилиши назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, ёшга доир пенсияга чиқишга бир ёки икки йил қолган ходимлар билан, қарамоғида уч ва ундан кўп вояга етмаганлар билан, ёлғиз оналар билан (ва ҳоказо.) Меҳнат шартномасини бу асосга кўра бекор қилмаслик кабилар. Агар Жамоа шартномасида шундай қўшимча имтиёзлар назарда тутилган бўлса, бу қўшимча имтиёзлар юқорида санаб ўтилган, яъни қонунда белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар қўлланилганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб берди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминоти хизмати Моддий-техника таъминоти бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Абдумўмин Раимжоновга акаси

Турсунбой МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

Шуҳрат ҚЎЧҚАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ

Ҳафта бошларида маънавий-руҳий оламингизда ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Маслаҳатимиз – қуйидагилар ҳақида ўйлаб кўринг: шуғулланаётган ишингиз ўзингизга керакми, ҳақиқатан ҳам ўзингиз истаган соҳани танлаганмисиз, ҳаётингиздан мамнунмисиз? Ушбу саволларга жавоб топсангиз муаммоингиз ўз-ўзидан ҳал бўлади.

СИГИР

Нотўғри қарорлар қабул қилишдан, ўзингизга зиёни тегадиган ишларга қўл уришдан эҳтиёт бўлинг. Акс ҳолда, тузган режаларингиз барбод бўлади, илгари бошлаган ишларингиз якунига етмайди. Яхшиси воқеалар ривожига халал берманг. Ҳаёт оқими бўйлаб сузинг. Шундай қилсангиз кучқувватингизни тежайсиз, кўзлаган натижаларга эришасиз, кўплаб муваффақиятсизликлардан сақланасиз.

ЭГИЗАКЛАР

Ушбу ҳафтада бошқалар билан ҳамкорлигингиз самарали кечади. Музокаралар ижобий якунланади, фойдали алоқалар ўрнатасиз. Ҳафта ўрталарида зиммангизга ортиқча мажбуриятлар олманг, ўз вақтида ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида йўқ ердан ўзингизга муаммо чиқарманг. Арзимас, майда-чуйда масалаларга эътиборингизни чалғитманг.

ҚИСҚИЧБАҚА

Ҳафтанинг биринчи ярми қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Аммо турли тадбирларда иштирок этишингизга тўғри келса, ҳеч қачон меъёрни унутманг. Ҳамма ишга улгуришим керак деб ўзингизни уринтириб қўйманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида анча чарчашингиз мумкин. Ўзингизга келишингиз учун ички имкониятларингизни ишга солинг. Шунда енгил нафас оласиз.

АРСЛОН

Анчадан буён кўплаб масалалар тўпланиб қолди. Уларни ҳал этиш керак. Албатта, энг осони – ҳаммасига қўл силташ. Лекин бу тўғри усул эмас. Яхшиси, куч ва имкониятларингизни тўплаб, қатъий режа, аниқ кун тартиби асосида ҳаракат қилинг. Шунда муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топаверади. Фақат чалаярим чора-тадбирлар кўзланган натижани бермайди.

ПАРИЗОД

Илгари тузган айрим режаларингиз амалга ошмай қолди. Баъзи бир имкониятларни бой бердингиз. Энди кеч, бундан афсусланиб ўтиришдан фойда йўқ. Қайтанга ўзингизга зарар қилишингиз мумкин. Куч-қувватингиз ва вақтингизнинг зое кетгани қолади. Яхшиси, янги, истиқболли режалар тузиб, уларни ҳаётга татбиқ этишга иштиёқ билан киришинг.

ТАРОЗИ

Келажакка мўлжалланган режалар тузасиз. Бошқа одамлар билан ҳамкорлигингиз, айниқса, иш фаолиятингиз ёки молиявий соҳа билан боғлиқ бўлса, самарали кечади. Яқинларингизнинг кўмагидан умид қилсангиз бўлади. Масалан, кредит олишингиз ёки бошқа бирор йўл билан моддий аҳволингизни яхшилашингиз мумкин. Ушбу ҳафта янги иш бошлашингиз учун ҳам қулай.

ЧАЁН

Янги ҳафтада ҳаётингизда ёрқин воқеалар юз бермайди. Аммо истиқболга мўлжалланган режаларингиз янада аниқлашади. Гарчи ҳозир иш фаолиятингизда кўзлаган натижаларингизга эриша олмаётган бўлсангиз-да, тўғри йўналишда ҳаракат қилаётганингизга шубҳаланманг. Ҳадемай орзуларингиз амалга оша бошлайди. Шунда илгари қилган меҳнатларингизнинг меваларидан баҳраманд бўласиз.

ЁЙ

Танлаган соҳангизда муваффақиятга эришишни хоҳласангиз, қатъиятли бўлинг, ўзингизга халал бераётган нарсалардан воз кечинг. Балки, ўзингиз ўрганиб қолган баъзи нарсаларнинг ҳам баҳридан ўтишингизга тўғри келар. Ҳафтанинг иккинчи ярмида бошқалар билан ҳамкорлигингиз кучаяди. Янги танишлар орттирасиз. Иродали эканингизни намоён этинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Атрофингизда юз бераётган воқеалардан қувонмайсиз, уларга бефарқ бўласиз. Баъзан ташқи дунёдан узилишнинг ўзига яраша фойдаси ҳам бор. Масалан, шу даврда руҳий оламингизда кечаётган жараёнларни таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқарасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида турли манфаатлар тўқнашуви содир бўлади. Баъзи келишмовчиликлар юз бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ҚОВҒА

Ҳозир янги иш бошлаш ёки янги муносабатлар ўрнатиш, ҳаётингизни яхши томонга ўзгартириш ёки илгари белгилаган йўналишингизда олға силжиш имконига эгасиз. Жуда кўплаб соҳаларда сиз учун қулай давр келди. Айниқса, бу моддий масалаларга тааллуқли. Аммо ютуқларга эришишингиз биринчи галда ўзингизга боғлиқ. Қўл қовуштириб ўтираверсангиз, осмондан чалпак ёғмайди.

БАЛИҚ

Эътиборингизни кўпроқ моддий масалалар тортади. Бошқалар билан мулоқотга киришиш ва бундан бирор манфаат кўрмаслик, сизни умуман қизиқтирмайди. Ушбу ҳафтада харидлар, маблағ масалалари билан боғлиқ ишларни режалаштирганингиз маъқул. Дўстларингиз билан учрашувни ва шунга ўхшаш тадбирларни кейинга қолдиришни маслаҳат берамиз.

НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК АСОСИ

Юртимиз бўйлаб яшариш, янгиланиш шукуҳи эшик қоқмоқда. Шу кунларда барчада, айниқса, опа-сингилларимизда баҳорий кайфият ҳукмрон. Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларни фидойиликка, ўз соғлиғини сақлашга масъулиятни кучайтиришга ундаётгани қувонарлидир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган **«Спорт — нафислик ва саломатлик асоси»** шиори остида бўлиб ўтган спорт фестивалини олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан бири, дейиш мумкин.

Фестивалдан кўзланган асосий мақсад, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, барча ёшдаги аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратишдан иборатдир. Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида бўлиб ўтган ушбу байрамда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ва бошқа вазирликлар, шунингдек, Хотин-қизлар, Давлат статистика қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходималари волейбол, стол тенниси, дартс, гимнастрада ва шашка каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашишди. Ўтган йили ушбу мусобақаларда 7 та жамоа қатнашган бўлса, бу йил улар сони 12 тага, иштирокчилар сони эса 168 нафарга етгани фестиваль нуфузининг тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Эътироф этиш лозимки, мазкур фестивалда республика Ички ишлар вазирлигининг «Нафосат» жамоаси ҳам муносиб иштирок этиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Айниқса, гимнастрада йўналиши бўйича «Андижон полкаси» композициясига саҳналаштирилган кўриниш барчада катта таассурот қолдирди.

— Бугун хотин-қизларимиз жамиятимизнинг барча жабҳаларида эркаклар билан елкама елка туриб юрт тараққиётига ўзларининг мунасиб ҳиссасини қўшаётир, — дейди республика ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи, подполковник Анвар Саримсоқов. — Шунинг учун ҳам опа-сингилларимиз саломатлигини асраш, улар ўртасида спортни оммавийлаштириш мақсадида Юртбошимиз раҳнамолигида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Ички ишлар вазирлиги тизимларида ҳам юрт тинчлигини асрашни ҳаётининг мазмуни деб билган фидойи хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Фестивалда турли соҳавий хизматлар вакилларининг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. Уларнинг мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Аёл — гўзаллик тимсоли. Шу боисдан ҳам уларни баҳорга қиёслашади. Мазкур фестивалнинг айнан Халқаро хотин-қизлар куни олдидан ўтказилишида ҳам катта рамзий маъно бор. Фестиваль иштирокчиларининг табассумидан тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган озод ва обод юртда яшашдан ўзларини қанчалик бахтли ҳис этишларини англаш мумкин.

— Бугун кўплаб аёлларимиз иш ва оила юмушларидан вақт ажратиб спортнинг маълум тури билан шуғулланаётгани қувонарлидир, – дейди ИИВ Назорат-тафтиш инспекцияси тафтишчиси, катта сержант Барно Абдуваҳобова. — Бизга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис этиш, спорт билан шуғулланишимиз учун яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланишимиз зарур. Бундай спорт байрамлари соғлиғимизни асрашга хизмат қилишдан ташқари, бошқа соҳа вакиллари билан дўстлашишимиз, ўзаро фикр алмашишимиз учун ҳам имкон яратади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳудудларда 12 та синхрон сузиш, 14 та бадиий гимнастика Федерациялари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида турли мусобақалар, тадбирлар, марафон ва фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Фестиваль якунида **«Энг аҳил жамоа», «Энг қувноқ жамоа», «Энг интизомли жамоа»** сингари номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Ички ишлар вазирлигининг «Нафосат» жамоаси **«Энг тезкор жамоа»** номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

Уларга тадбир ташкилотчилари томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Баситханова сўзга чиқди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.
Абу КЕНЖАЕВ
олган сурат.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

– Толстой билан Достоевскийнинг асарларини ўқимаган бўлсанг, қанақасига яхши ижодкор бўлишинг мумкин?

– Пушкин ҳам уларнинг асарларини ўқимаган-ку. Лекин бинойидай ижод қилган.

***

Бир киши дала ҳовлисини суғурта қилдирганидан кейин суғурта агентидан сўраяпти:

– Ҳақиқатан ҳам дала ҳовлим ёниб кетса, менга шунча пул тўлайсизларми?

Суғурта агенти:

– Ҳа, фақат унга ўзингиз атайлаб ўт қўймасангиз.

Дала ҳовли эгаси:

– Ўзим ҳам билувдим ишларинг битганидан кейин бир қилиқ чиқаришларингни.

***

– Кеча безорилар кўчада мени калтаклаб, бу ҳам етмагандек талаб кетишди. Ҳамёнимни ҳам олишди, уяли телефонимни ҳам, соатимни ҳам олишди...

– Ахир, сен бокс бўйича кумуш медаль олгандинг-ку.

– Хайриятки, бўйнимга осилган ўша медалимни кўришмади.

***

Сайёҳлар денгиз ёқасида жойлашган меҳмонхона ходимидан суриштиришяпти:

– Пляжда медузалар, денгиз қисқичбақалари учраб турадими?

– Қаёқда дейсиз. Ҳаммасини акулалар битта қўймай еб битиришган.

***

– Намунча ҳорғин, ғамгин кўринасан?!

– Э, сўрама! Эртадан кечгача иш, иш, иш...

– Ҳар куни шу аҳволми?

– Эртадан бошланади.

***

– Дада, иккита янгилик бор. Биринчиси ёмон, иккинчиси яхши.

– Ёмонидан бошлайвер.

– Машинангизни дарахтга уриб олдим.

– Яхшиси-чи?

– Иккинчи бунақа қилмайман...

***

Меҳмондорчиликка кечикиб келган меҳмон қора увилдириқ солинган ликопчани олдига олиб, қошиқлаб ея бошлади. Буни кўрган мезбон унинг ёнига келиб, қулоғига шивирлади:

– Бу сизга бўтқа эмас.

– Нимасини айтасиз. Иккаласининг мазасини ҳатто солиштириб ҳам бўлмайди.

***

– Менга қандай спорт тури билан шуғулланишни маслаҳат берасиз?

– Ўзингизни ҳимоя қилиш учунми ёки бошқа сабабданми?

– Ўзимни ҳимоя қилишим учун.

– Унда югуриш билан шуғулланинг.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o‘rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Inomjon RAHIMXO‘JAYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-33-88;
Faks: 255-31-39.

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001, MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo‘limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko‘rsatilishi shart.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №S-2262. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69940 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi, 1-uy.